Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 19-mart, seshanba № 32-33 (3226)

2 ap

Болалар спорти юртимизда нафақат катта ижтимоий, умуммиллий ҳаракатга айланди, балки Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиётга эришиши, ривожланган замонавий демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиши йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқат бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЖИЗЗАХ» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистонда ўзбек-хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган «Жиззах» махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — «Жиззах» МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Жиззах» МИЗ таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, «Жиззах» МИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади ҳамда «Жиззах» МИЗ Маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда ажратилади.

2. Қуйидагилар «Жиззах» махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

«Жиззах» МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Жиззах» МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Жиззах» МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

«Жиззах» МИЗ қатнашчиси мақоми «Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

4. «Жиззах» махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

«Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

корхоналарга «Жиззах» МИЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

«Жиззах» МИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш борасидаги ишларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг «Жиззах» МИЗ фаолияти билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш;

ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни «Жиззах» МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

«Жиззах» МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, «Жиззах» МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. «Жиззах» махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Жиззах» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

6. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги «Жиззах» махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда «Жиззах» МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин:

биринчи навбатда собиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратиш;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун барча зарур рухсатномаларни «бир дарча» тамойили асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Жиззах» МИЗда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб берувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда кафолатли уланишини таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жиззах» МИЗга ажратиладиган ҳудудларга бюджет маблағлари ва бошқа ички молиялаш манбалари ҳисобидан ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва янада ривожлантиришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзавтойўл» АК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Жиззах» МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва «Жиззах» махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда «Жиззах» махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда «Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Вазирлик таркибидаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш бошқармасининг Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари сонини 2 нафар штат бирлигига ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 18 март

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли Ҳомийлик кенгаши аъзолари ва мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишдан олдин мамлакатимизда 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистон Президентининг фармони билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг иш бошлаганига **10 йил тўлганини эслатиб ўтишни истардим**.

Шу муносабат билан Жамғарманинг ана шу ўтган даврдаги фаолияти натижаларини қисқача сарҳисоб қилсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада барчамиз учун эзгу мақсадимизга айланиб қолган вазифа — яъни **«Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш — келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир» деган шиорни эслашимиз ўринли бўлади.**

Бошқача қилиб айтганда, Жамғармани ташкил этишда биз соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни ўз олдимизга қўйганимизни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Чунки, ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси ота-онанинг орзуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқгина юксак тараққиётга эриша олади.

Мухтасар айтганда, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб равишда изчил ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу йўлда кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Жамғарма фаолиятида асосий эътибор болалар спортини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуна ва инвентарлари билан жиҳозлаш, шунингдек, бу иншоотлардан самарали фойдаланишга кўмаклашиш масалаларига қаратилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ўтган охирги 10 йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорти объекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барпо этилгани, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилганини таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 262 та спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. **Бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Биргина ўтган йилда 92 та болалар спорти объекти ва 16 та сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди.**

Айтиш жоизки, юқорида келтирилган рақамлар фақатгина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишларни ифода этади.

Мамлакатимиз бўйича умуман бугун мавжуд бўлган спорт объектлари ҳақида гапирганда қуйидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш зарур.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг сони 9600 тани ташкил этадиган бўлса, уларнинг 81 фоизи янгитдан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга.

1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан 100 фоиз таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фойдаланишга топширилган янги спорт иншоотларининг барчаси Ўзбекистон давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан махсус ишлаб чиқилган замонавий намунали лойиҳалар асосида барпо этилди ва жиҳозланди.

Болалар спорти объектлари, аввалambor, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган анжомлар билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада ҳам жиддий қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Айни вақтда спорт объектларидан тўла ва самарали фойдаланиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз, айниқса, қизларимизнинг спортга бўлган қизиқиш ва интилишини орттириш йўлида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорти объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола спорт билан шуғулланаётгани ва бунинг натижасида ҳар қайси спорт иншоотининг кундалик ўртача бандлик даражаси 9,2 соатга етгани, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимизнинг энг муҳим самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2-саҳифада).

СПОРТ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР

Президент Ислом Каримов раислигида 15 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш Ватанимиз келажагини таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилидир. Бу олижаноб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили — болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спорти мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини комплекс ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Ҳашар — элга ярашар

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 март куни қабул қилинган фармойишига биноан март-апрел ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Ушбу ойлик доирасида мамлакатимизда 16-17 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.



Ҳашар юртимизнинг барча ҳудудларида — қишлоқ, овул, шаҳар ва маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим масканларида уюшқоқлик билан ташкил этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувидан олинган маълумотга кўра, умумхалқ хайрия ҳашарида ўн етти ярим миллиондан зиёд юртдошимиз иштирок этган. Ҳашар кунлари қирқ уч минг олти юз гектар майдон ободонлаштирилган. Йигирма олти минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар, лотоклар тозаланган, минглаб зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилган.

Ҳашарчилар ўзлари яшаётган ҳудудларни обод этиш билан бирга яшил майдонлар ҳудудини кенгайтириш, янги боғлар, гулзорлар барпо этишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Турар-жой мавзелари, ҳовлилар, далалар, сув бўйлари, томорқалар ва бўш жойларга 25 миллион тупдан зиёд манзарали, мевали дарахт ва тут кўчатлари, 16,5 миллион туп гул кўчатлари экилди. Кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга уй-жойларини таъмирлашда ёрдам кўрсатилди.



Наврўз байрами арафасида уч юздан кўпроқ сервис ва хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари, кичик корхоналар, таълим ҳамда тиббиёт муассасаларининг янги бинолари, маҳалла гузарлари, замонавий уйлар қуриб битказилди. Ҳашар кунлари кўплаб хайрия тадбирлари ҳам ўтказилди.

Бу ҳақда жойлардаги мухбирларимиз хабар қилади.

* * *

Умумхалқ хайрия ҳашари **ТОШКЕНТ** шаҳрида юксак уюшқоқлик билан ўтди. Ҳашарда 1 млн. 67 минг 26 нафар киши иштирок этди. 1 минг 263 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 1 минг 875 тонна маиший ҳамда қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга чиқариб ташланди. 787 км. ариқ ҳамда лотоклар тозаланди. 60 та зиёратгоҳ ҳамда қабристон ободонлаштирилди. 276.137 туп манзарали 684.115 туп гул кўчатлари ўтказилиб, 297.580 туп дарахтларга шакл берилди.

Ҳашар йўли билан 17 минг 982 м.кв. уй-жойлар таъмирдан чиқарилди. 2.932 та эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга 105.361 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 3-саҳифада).

Jshonch

2013-yil 19-mart № 32-33 (3226)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Биз учун яна бир муҳим масала — бу қизларимизни ёшлигидан спортга жалб этиш, қизиқтириш билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Эртага она бўладиган, янги инсонни дунёга келтирадиган, оила ва жамият таянчи бўладиган қизларимизни ёшликдан спорт билан ошно этиш масаласига янада жиддий эътибор беришимиз, бу борада эскидан қолган қарашларга бутунлай чек қўйишимиз зарур.

Турли, биз учун кўп жиҳатдан янги спорт турларини ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалга оширган ишларимиз мисолида сув спортини ривожлантиришга оид масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йилда мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25 метрга 12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, уларнинг умумий сони бугунги кунда юртимиз бўйича 203 тага етди.

Яратилган бундай кенг имкониятлар болаларнинг сув спорти турлари — сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, ватерпол билан оммавий равишда шуғулланиши учун хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда 13 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз мамлакатимизда айни шу спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон спортчилари сув спорти турлари бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда.

2012 йили Германияда бўлиб ўтган сузиш бўйича халқаро мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси 9 та олтин, 9 та кумуш ва 6 та бронза медални қўлга киритди.

Ана шу беллашувларда жуда фаол иштирок этган 12 яшар Амирбек Усмонов дунёнинг манаман деган давлатларидан келган тенгдошларини ортда қолдириб, 5 та олтин ва битта кумуш медални қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга чуқур мамнуният бағишлади. Австрия мамлакатида ўсмирлар ўртасида сузиш бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам Амирбек беш марта олтин медал соҳиби бўлди.

Ўзимизга бир фараз қилайлик, илгари ёшларимиз сув спорти бўйича бундай катта ютуқларга эриша олармиди? Холисона тан олиб айтадиган бўлсак, бундай ютуқ ва ғалабалар илгари тушимизга ҳам кирмас эди. Бундай ҳаётни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос.

Энг қувонарлиси, кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ёш чемпионлар қизларимиз орасидан ҳам кўплаб етишиб чиқмоқда. Мисол учун, Малайзияда ўтказилган синхрон сузиш мусобақаларида спортчи қизларимиз 4 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритишди. **Наманган вилоятининг ўсмирлар ва қизлар жамоалари эса ватерпол бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда биринчи ўринларни эгаллашди.**

Бугун нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистонимиз бу қизларга ҳар қанча олқишлар айтса арзийди. Чунки бир пайтлар, Наманганда қизлар, аёллар ижтимоий фаол эмас, деган гаплар ҳам бўлган эди. Шу маънода, спортчи қизларимиз бугун эришган бундай юксак марралар албатта барчамизни хурсанд қилади.

Маълумки, спорт оламидаги ҳар қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқлар — аввало шу йўлда тинимсиз интилиб, қурашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, айни вақтда шу инсонни тарбиялаб вояга етказган жамиятнинг ютуғидир.

Мен ишонаман — бугун бутунлай янгича шароитларда ўсиб, камол топаётган бизнинг болаларимиз, қизларимиз бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритишга албатта қодир. Шунинг учун ҳам бундай истеъдодли, навқирон фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак.

Мамлакатимизда катта теннис ва стол тенниси, бадиий ва спорт гимнастикаси, сузиш, енгил атлетика, баскетбол, гандбол, волейбол, футбол, дзюдо, кураш ва дунё бўйлаб кенг тарқалган бошқа спорт турлари жадал ривожланиб, тобора оммавийлашиб бормоқда.

Айни пайтда, юқорида айтилганидек, юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар давомида **қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар тубдан яхшиланди**.

Ҳолбуки, яқин-яқингача ҳам қишлоқларда болалар спорти қандай қониқарсиз аҳволда бўлиб келгани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Агарки рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, **сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши 14,5 фоиздан 39 фоизга ўсганини кўриш мумкин.** Бугун кунда қишлоқларда спорт билан мунтазам равишда шуғулланадиган болаларимиз сони 2003 йилга нисбатан икки баробар кўпдир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга жалб қилиш борасида улкан натижаларга эришилди. 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони, 2003 йил билан солиштирганда, 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди.

Спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа турлари билан шуғулланаётган қизлар сафи сезиларли даражада кенгайганини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, **бадиий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани натижасида спортнинг саломатлик учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сони кескин ошганини кўрамиз.**

Эътибор берингларинг, агар 2003 йилда бор-йўғи 1700 нафар қиз бола бадиий гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 36 мингтага етди.

Энг муҳими, қизларимизнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда.

Болаларнинг спорт билан шуғулланишга қизиқишини янада ошириш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар, спорт фестивалларини, ўртоқлик учрашувларини ва ўқув-машғулот йиғинларини мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Мисол учун, 2003-2012 йилларда 23 мингта спорт тадбири ўтказилган бўлса, уларнинг қарийб 17 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилганини айтиш лозим. Ана шу тадбирларда 10,5 миллиондан ортиқ бола, жумладан, қишлоқ жойларда яшайдиган 7,6 миллион нафар ўғил-қизларимиз иштирок этди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, юртимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган, Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ мос келадиган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари мамлакатимиз терма жамоаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азиз дўстлар, спортни, биринчи навбатда, **болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларнинг муваффақияти ушбу соҳага юқори малакали ўқитувчи ва мураббий кадрларни кенг жалб этиш билан боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас.**

Шу мақсадда ўтган йиллар давомида болалар спорти объектларини мураббий кадрлар, айниқса, аёл спорт устозлари билан таъминлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Аввало, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилгани бугунги кунда ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бу борада 2012 йилда мураббий-ўқитувчилар сони 2003 йилга нисбатан 1,7 баробар кўпайгани, жумладан, аёл спорт устозларининг сони 5 баробар ошганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, мураббий-ўқитувчи кадрлар таркиби ҳам сифат жиҳатидан ўзгарганини, яъни уларнинг қарийб ярми бугунги кунда ўз соҳаси бўйича олий маълумотга эга эканини таъкидлаш жоиз.

Ёш спортчиларимизнинг халқаро, қитъа ва минтақа миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритган ғалабалари болалар спортини ривожлантириш борасида эришган ютуқларимизнинг якқол тасдиғи бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2005-2012 йиллар мобайнида **Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарийб 4 минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестиваль ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этганини айтиб ўтиш ўринлидир. Ана шу мусобақаларда қатнашганларнинг асосий қисми — қарийб 2400 нафари қишлоқ жойларда яшаётган ўғил-қизларимиздир.**

Биз барпо этган спорт объектларида спортчи сифатида шаклланиб, камолга етган **бу ёшлар дунёнинг 34 тадан ортиқ мамлакатида бўлиб, спортнинг 30 тури бўйича Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани ҳақида ҳар қанча ғурурланиб гапирсак арзийди, албатта.**

Ана шундай ёш спортчиларимиз ўтган даврда ўз маҳорати, азму шижоатини намоён этиб, 922 та медални, жумладан, 363 та олтин, 282 та кумуш ва 277 та бронза медални қўлга киритгани алоҳида таҳсинга сазовордир. **Биргина 2012 йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медаль соҳиби бўлдилар. Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медалидир.**

Айниқса, ўсмир ёшдаги шахматчиларимизнинг ўтган йили эришган катта ғалабалари миллий спортимиз тарихида том маънода ёрқин из қолдирадиган воқеа бўлди.

Бундай мисолларни давом эттирадиган бўлсак, 2012 йилда тўққиз яшар жажжигина шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Мариборе шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган, дунёнинг — шунга эътибор беринг — 126 мамлакатидан қарийб 2600 нафар спортчи иштирок этган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққани, ёш спортчимиз Нафиса Мўминова эса Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг халқаро гроссмейстер, деган юксак унвонига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, моҳир сузувчи қизларимиз Шоҳида Зоҳидова, Севара Бобоқулова ва Гулсанам Йўлдошева синхрон сузиш бўйича Индонезияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг кумуш медалларини қўлга киритгани ҳам миллий спортимиз шуҳратини ошириш йўлидаги жиддий қадам бўлди.

Ўзингиз ўйланг, мана шу уч нафар қизимиз, ўзбек қизлари спортининг энг мураккаб тури бўлган синхрон сузиш бўйича Осиё қитъасида кумуш медалга сазовор бўлгани, ҳақиқатан ҳам, жуда катта воқеа. Илгари юртимиз қизларининг шу борада бундай муваффақиятли қатнашганларини эслай олмаймиз. Бу ютуқ, аввалambор, ўзбек оилаларидаги маданий муҳит, керак бўлса, маънавий савия қандай ўзгариб, дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз қандай юксалиб бораётганининг исботи эмасми?

Айтиш керакки, бу уч нафар қиз Индонезияда медаль олибди, деган шунчаки оддий гап эмас. Бу ютуқнинг моҳияти ва аҳамиятини англаб, чуқур мулоҳаза юритадиган бўлсак, шу мисолнинг ўзи ҳам одамларимиз, жамиятимизнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши тубдан ўзгариб бораётганини намоён этмайдими? Бу ўз навбатида ҳаётимизда замон билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилишнинг кучайиб, демократик қадриятлар, аввало, оилавий демократиянинг ривожланиб бораётганининг тасдиғи эмасми?

Шунинг учун ҳам четдан туриб бизга ақл ўргатадиган, Ўзбекистон ҳақида қуруқ сафсата сотадиган баъзи кимсаларнинг гаплари таги пуч даъволардан бошқа нарса эмас.

Ишончим комилки, мана шундай ютуқларимизнинг барча соҳа ва тармоқларда янада кўпайиб бориши тирноқ тагидан кир қидирадиган бундай кимсаларга энг ўткир жавоб бўлади.

Мен спорт соҳасида шундай марраларни қўлга киритаётган болаларимизни бугунги кунда мамлакатимизда катта куч бўлиб майдонга чиқаётган миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг муносиб вакиллари, деб биламан. Айнан ана шундай азму шижоатли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари мисолида бошқа минг-минглаб тенгдошларига ибрат бўлади, керак бўлса, уларни ҳам катта мақсадлар йўлида руҳлантиради. Бу эса ўзбек халқи бугунги кунда дунёда тобора кескинлашиб бораётган рақобат шароитида ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, деган ҳақиқатни яна ва яна бир бор амалда тасдиқлаб беради. Агарки баландпарвоз гапларни бир четга йиғиштириб қўйиб айтадиган бўлсак, бундай болалар биз орзу қилган соғлом ва баркамол авлод тимсоли, эртанги кунимиз учун намуна бўладиган ёшлардир.

Биз албатта Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айни вақтда мана шундай ёшларимизнинг ютуқларини кўриб, бугун бизнинг даврimiz келди, Ўзбекистоннинг замони келди, дунё бизни тан оляпти, деган юксак ғурур-ифтихор туйғуси, катта ишонч билан яшашимиз табиийдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар қайси вилоят ёки туман раҳбари, ҳар қайси етакчи ва мутасадди шахс болалар спортини ривожлантириш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратиши зарур. Қаерда, қайси соҳада бўлмасин — бу илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси бўладими, агарки йилт этган истеъдод пайдо бўлса, бундай болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали уларни аввало Ватанимиз, халқимиз қўллаб-қувватлаётганини жамоатчилигимизга, ёшларимизга етказишимиз, англатишимиз керак. Айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларимиз бундай муҳим мавзуларни ёритишда янада фаоллик кўрсатишларини истардим.

Шу ўринда алоҳида айтиш жоизки, спортда эришган юксак натижалари учун синхрон сузиш бўйича Шоҳида Зоҳидова ва айкидо бўйича Осиё чемпиони сурхондарёлик Сарвиноз Шайдуллаева Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Яқинда Тошкентда Хотин-қизлар байрамига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан С.Шайдуллаеванинг фикрларига эътибор берадиган бўлсак, унинг қандай ишонч билан, ўз юрти ҳақида фахр билан гапиргани барчамизни мамнун этади. Мен билмадим, бундай қизларга ҳар томонлама муносиб куёв бўлиш, уларнинг меҳрини, муҳаббатини қозониш учун энди йигитларимиз қандай марраларни забт этиши керак бўлар экан?..

Эшкак эшиш спорти бўйича ҳам фарзандларимиз халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Францияда ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 17-халқаро мусобақада терма жамоамиз 5 та медални қўлга киритди. Жумладан, тошкентлик Артур Нургалиев ва Сергей Бухальцев 2 та олтин медалга сазовор бўлишди.

Шулар қаторида Дилшод Чориев ва Рамзиддин Саидов дзюдо бўйича Осиё чемпионатида олтин медалларни қўлга киритишди.

Ўзбекистоннинг 16 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси футбол бўйича Осиё чемпионатининг финал учрашувида Япония терма жамоаси устидан ғалаба қозониб, Осиё чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.

Албатта, бу ютуқлар ёш спортчиларимиз томонидан халқаро мусобақаларда қўлга киритилган ғалабаларнинг фақатгина бир қисми эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энг муҳими, фарзандларимиз жаҳон спорт майдонларида эришаётган бундай ютуқ ва натижалар мамлакатимизда болалар спортини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ишларимиз юксак самара бераётганининг яққол исботи сифатида барчамизга катта куч-ғайрат ва ишонч бағишлайди.

Шу борада яна бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаймиз. Яъни, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг энг муҳим натижалари халқаро, минтақа ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришиш билан бирга, **энг аввало, юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом ёш авлодни вояга етказишда намоён бўлмоқда.**

2003-2012 йилларда ўтказилган тадқиқотлар ва ҳар йили ўтказиладиган мактаб ёшидаги болаларнинг профилактик кўрик натижалари шундан далолат бермоқдаки, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу фикрнинг амалий тасдиғи сифатида ўтган даврда ўқувчилар ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайганини, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болалар саломатлиги яхшиланиши кузатилаётганини таъкидлаш мумкин.

Яна бир муҳим натижа шундан иборатки, сўнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортгани кузатилмоқда.

Болаларнинг бўйи эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қиз болалар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани аниқланган. **Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади ва ўйлайманки, бу барчамизга катта мамнуният бағишлайди.**

Шу ўринда яна бир фактга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Агар 2003 йилда ҳарбий хизматга яроқли деб топилган йигитлар юртимизда 67,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 82,5 фоизга етган.**

Айтиш керакки, бу кўрсаткичлар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида бизнинг мустақиллик йилларида юртимизда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида қилаётган қанча-қанча меҳнатларимиз, шу борада эришаётган улкан ютуқларимиз мужассамдир.

Айни вақтда бу рақамлар спорт билан мунтазам шуғулланиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишига нақадар катта таъсир кўрсатаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: **болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характерини тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишига хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона енгиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзандларимизнинг феълатвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради.**

Бу сўзларнинг маъноси шуки, бугунги кунда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган, эртага бизнинг ўрнимизни босадиган ёшларимизга спорт мана шундай ноёб фазилатларни бахш этар экан, биз болаларимизни спорт билан ошно этиш учун албатта бор куч ва имкониятларимизни янада кўпроқ ишга солишимиз, бу борада ҳеч нарсани аямаслигимиз керак.

Мухтасар айтганда, спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. **Чунки спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.**

Бугун ўтган 10 йил давомида амалга оширган ишларимизни қисқача сарҳисоб қилар эканмиз, мана шу имкониятдан фойдаланиб, корхона ва ташкилотлар, компания ва фирмалар раҳбарлари ва жамоаларига, хусусий тадбиркорларга, ўзининг молиявий ҳиссаси ва шахсий иштироки билан Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришдек эзгу ишга салмоқли ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Мамлакатимиздаги чет эл бизнеси вакилларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятидаги иштироки, ўсиб келаётган ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишлари учун алоҳида ташаккуримизни изҳор этамиз.

Бундан ўн йил олдин бошлаган ишларимиз ана шундай кенг қўллаб-қувватлангани туфайли Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш қисқа муддатда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланди, деб айтишга, ўйлайманки, бугун барча асосларимиз бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида болалар спорти объектларини барпо этиш, уларни юксак малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда ана шу имкониятлар асосида самарали иш олиб бориш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди.

Шу маънода, болалар спорти юртимизда нафақат катта ижтимоий, умуммиллий ҳаракатга айланди, балки Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиётга эришиши, ривожланган замонавий демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиши йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқат бўлади.

Эндиги асосий вазифамиз — бу борадаги ишларни жаҳон андозаларига мос равишда изчил давом эттириб, янги, юксак босқичга кўтаришдан иборатдир.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар тилайман.

СПОРТ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР

Президент Ислом Каримов раислигида 15 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият кўрсатаётганига ўн йил тўлганини қайд этиб, ўтган даврда бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти ва амалий натижалари хусусида атрофлича фикр юритди.

Йиғилишда болалар спорти объектларини тасдиқланган нормативларга мувофиқ зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида фойдаланишга топширилаётган болалар спорти объектлари, аввалambор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани соҳадаги муҳим натижалардан бири сифатида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини янада кенгайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, малакали спорт мураббийлари, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, спорт иншоотларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва спорт билан оммавий шуғулланиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижалари атрофлича таҳлил қилинди ва устувор вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосарлари Б.Зокиров, Э.Боситхонова, А.Икромов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири



ЎзА сурати

Ishonch
2013-yil 19-mart № 32-33 (3226)

Юртинг обод —
ДИЛИНГ ОБОД





ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР



ЎзА суратлари

«Наврўз» умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, саховат, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Мазкур жараёнларда касаба уюшмаларининг ҳам фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Хусусан, касаба уюшма органларида фаолият кўсатаётган 3 мингдан ортиқ ходимлар ҳашарда бевосита иштирок этиш билан бир қаторда меҳнат жамоаларида уюшқоқликни таъминлаш, мевали дарахт кўчатларини ўтказиш орқали янги боғлар барпо этиш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, тармоқ касаба уюшмаларининг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ташкилотлар бинолари атрофларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Бинолар жойлашган ҳудудлар атрофига 10 мингдан ортиқ гул кўчатлари, 4 мингга яқин мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Мавжуд дарахтларни оқлаш ва буташ ишлари амалга оширилиб, ҳудуддаги 2 минг км. дан зиёд ариқлар тозаланди. Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашилиб, бу мақсадлар учун 10 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Адолат», «Наврўз», «Қўшчинор», «Астраобод», «Туркистон», «Чинор», «Уч қаҳрамон», «Собиробод», «Шарқ ҳақиқати», «Ҳасанбой», «Гулистон», «Исломобод», «Беруний» маҳаллаларига бириктирилган тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари, Тошкент шаҳар бирлашмаси, Федерация кенгашининг Санатор-курортлар бошқармаси ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятининг 300 нафарга яқин ходимлари тегишли ҳудудларда умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этдилар.

Ҳашарда маҳалла аҳолиси билан биргаликда 13 та маҳалла, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бино ва гузарлар, хиёбон, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқ, кўча ва йўлаклар ҳамда болалар майдончалари тартибга келтирилди. Турар жой мавзелари ва маҳаллаларда 1000 тупдан ортиқ мевали ва 800 туп манзарали дарахт, 1500 тупдан ошиқ гул кўчати экилди. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, оқланди. 3 км. дан зиёд ариқлар тозаланиб, тартибга келтирилди.

Шунингдек, «Астраобод», «Уч қаҳрамон», «Наврўз» ва «Собиробод» МФЙдаги 64 нафар кекса ва ногирон инсонлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларга 9 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

«Қўшчинор» МФЙ ҳудудидаги 3 та болалар майдончалари ҳашар йўли билан тартибга келтирилди.

Бундан ташқари, «Қўшчинор» МФЙ ҳудудига 2000 туп мевали ва манзарали дарахт, 300 туп атиргул кўчатлари, «Адолат» ва «Чинор» МФЙлари ҳудудларига 1000 туп терак, 100 туп мевали, 100 туп қарағай дарахт кўчатлари ҳамда 100 туп атиргул, «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи ҳудудида 755 туп мевали ва 235 туп манзарали дарахт ниҳоллари экилди.

Касаба уюшма ташкилотларининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигидаги иштироки давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз





Пойтахтимиздаги «Турон» санаториясида ҳам умумхалқ ҳашари қизғин тусда ўтди. Санатория ҳудуди тозаланиб, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Турли мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Суратларда: умумхалқ ҳашарида Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Наврўзи оламни мусаффо орзулар билан қаршилаётган **ЖИЗЗАХ**ликлар умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этдилар.

Ҳар бир кўча, маҳалла, гузар, олис қишлоғу шаҳарларда кенг кўламли ободончилик ишлари олиб борилди. Ҳашар кунлари жойлардаги касаба уюшма фаоллари ҳам бошқаларга ўрнак бўлишди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раисининг ўринбосари Узоқбой Рисқуловнинг берган маълумотига кўра, ҳашарда 891,860 киши қатнашиб, 1,5 минг гектар майдон ободонлаштирилди. Шунингдек, ҳудудлардан 1,400 тонна чиқинди ташиб чиқарилди. Бундан ташқари, 1 млн. 400 туп мевали ва манзарали дарахт, 500 минг туп гул кўчати ўтказилди. Шу билан бирга 750 км. узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 571 та зиёратгоҳ ва қабристонда ободончилик ишлари олиб борилди.

Икки мингга яқин эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уйлари таъмирланди, мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

* * *

Умумхалқ ҳашари **САМАРҚАНД**да катта меҳнат байрамига айланиб кетди. 1 млн. 894 минг 100 киши ободонлаштириш-кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшдилар.

Вилоят бўйича 2016,9 гектар ҳажмдаги майдонда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш юмушлари бажарилди. 2933,7 км. масофадаги ариқ ва зовурлар тозаланди. 1 млн. 507 минг 500 туп манзарали, 970 минг 900 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Хиёбон ва кўчаларга 1 млн. 179 минг 700 туп гул ва 271 минг 100 туп тут кўчатлари экилди. 1959 та техника-уловлар жалб этилиб, 5574,4 тонна маиший чиқиндилар олиб чиқилди.

Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, ёлғиз кексалар ва ногиронларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди. Шу кунларда корхона ва ташкилотлар, ҳомийлар кўмагида 3477 та оилага 116 млн. 982 минг 100 сўмлик кўмак берилди.

* * *

ХОРАЗМликлар умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этдилар.

830 мингдан зиёд фуқаро кўмагида 5000 гектарга яқин майдон ободонлаштирилди, 1400 км.га яқин ариқ ва лотоклар тозаланди, 383 та қабристон ҳамда зиёратгоҳлар сариштa қилинди. Шунингдек, 800 мингга яқин манзарали, 557 минг туп мевали, 1 млн.дан ортиқ гул кўчатлари ўтказилди. 1400 дан зиёд дарахтларга шакл берилди. Ҳашар йўли билан 24280 метр квадрат уй-жойлар таъмирланди. 2788 нафар кам таъминланган оила вакилларига мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ҳашар доирасида Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бекчанбой Матякубов бошчилигида бир гуруҳ фаоллар томонидан Урганч туманидаги «ХОСПИС» шифохонаси қарамоғидаги қарияларга байрам дастурхони ёзилди, эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Умумхалқ ҳашарида **НАВОИЙ** вилояти бўйича 614994 нафар фуқаро иштирок этган бўлса, шундан 347409 нафари ёшлардир.

Вилоят бўйича 1461 гектар майдон ободонлаштирилди, 1245 км. суғориш шохобчалари тозаланди. 408 та зиёратгоҳ ва қабристонда кенг кўламдаги тозалик ишлари амалга оширилди. Қарийб 1 млн. 100 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчати, 418 минг туп турли гул кўчати ўтказилди.

Эҳтиёжманд оилалардан 1369 тасига мурувват ёрдами кўрсатилди, 22435 квадрат метр уй-жой ҳашар йўли билан таъмирланди. Бундай кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш учун 717 та транспорт воситаси жалб этилди, 51 млн. 521 минг сўмлик маблағ йўналтирилди.

* * *

НАМАНГАН вилоятида ўтказилган хайрия ҳашарида 2557 минг киши, шу жумладан 1603 минг нафар ёшлар иштирок этди. Улар томонидан 5129 гектар майдон ободонлаштирилди, 4110 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди, 3016 километр ариқ-зовур тозаланди. 600 зиёратгоҳ ва қабристонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 848 минг туп мевали, 1014 минг туп манзарали ва 171 минг туп тут ҳамда 1057 минг туп гул кўчатлари экилди. 4059 минг туп дарахтлар буталиб, шакл берилди, оқланди.

5136 та кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд оилаларнинг 92178 кв.метр уй-жойи таъмирланди. 157932,3 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Умумхалқ хайрия ҳашари давомида 577 нафар ногирон, 411 нафар якка-ёлғиз қария, 589 та боқувчисини йўқотган кам таъминланган оила, 1588 та кам таъминланган кўп болали оила, 987 та кам таъминланган ёш оилага 348 млн. 582 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

* * *

Умумхалқ хайрия ҳашари **ҚАШҚАДАРЁ** воҳасида уюшқоқлик билан ўтди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам 200 квадрат метр ер ағдарилиб, ишлов берилди. Атроф-муҳит чиқиндилардан тозаланиб, гул ва дарахт кўчатларига шакл берилди.

— Ҳашар давомида 500 нафар ходим жалб қилиниб, 2,5 км. ариқ ва зовурлар тозаланди. Атроф 20 тонна маиший чиқиндидан халос этилди. 1000 дона манзарали кўчатлар экилди, — деди «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» УК касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Аширов.

Умумхалқ хайрия ҳашаридан касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари ҳам четда қолишмади.

— Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг 1800 нафарга яқин талабалари ҳамда 200 нафар профессор-ўқитувчилари ҳашарда фаол қатнашди, — деди касабақўм раиси Файзиддин Тиловатов. — Институт бинолари ва талабалар турар-жойида ободонлаштириш тадбирлари ўтказилди. Олий ўқув юрти ҳовлисига 800 дона манзарали, 100 та мевали дарахт кўчатлари қадалди. 1800 туп гул кўчати экилди.

Талабалар Қарши шаҳридаги «Жайхун», «Шибаева», «Хонобод» кўчаларини тозалаш, йўл бўйидаги дарахтларни оқлаш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатишди.

* * *

Ҳашар **СУРХОНДАРЁ**да ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Ҳар бир маҳаллада гузарлар, идора ва ташкилотлар ҳудудлари, кўчалар, истироҳат боғларини тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, боғ-роғлар барпо этилди.

Ҳашарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги 1700 дан ортиқ бошланғич ташкилотларнинг етакчилари фаоллик кўрсатишди.

Икки кун давомида Термиз шаҳридаги Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Термиз шаҳри билан зиёратгоҳ оралиғидаги 8 км.лик йўл ёқаларига мевали, манзарали дарахтлар, минглаб гул кўчатлари ўтказилди. Бирлашма ташаббуси билан Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи, Сариосиёдаги «Фарҳод» мурувват уйи тарбияланувчиларига совғалар улашилди.

* * *

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН тупроғида меҳнат байрами ғоят кўтаринки руҳда ўтди. Эрта тонгдаёқ кўчаю йўллар, истироҳат боғларию хиёбонлар, катта-кичик корхона, ўқув юртлари ҳашарчилар билан тўлди. Аксар объектларда ҳашар кунлари бажариладиган вазифалар режалаштириб қўйилгани боис иш қизғин тус олди.

— Нефт сақлаш омбори таркибида хизмат қилаётган 415 нафар ишчи-хизматчилар умумхалқ ҳашарида фаол иштирок қилишди, — деди Элликқалъа нефт сақлаш омбори касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳрамон Ботиров.— Икки кунлик ҳашарда 200 туп мевали, 3000 туп манзарали дарахт, 3000 тупдан зиёд гул кўчатлари экилди. 7 км.лик ариқ-зовурлар тозаланди. Ишлаб чиқариш ҳудуди 4 тонна маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозаланди. 1,2 га майдон ободонлаштирилди.

* * *

БУХОРОда ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари меҳнат байрамига айланиб кетди. Унда 957131 кишининг, шу жумладан, 612169 нафар йигит-қизнинг иштироки таъминланди.

2207 гектар майдон ободонлаштирилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 1799 та техника воситаси ишга жалб этилиб, 8623 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари махсус тайёрланган ҳудудларга чиқариб ташланди. 1373 км. узунликдаги сув йўллари тозаланиб, вилоятдаги 835 та зиёратгоҳ ва қабристон ҳудуди тартибга келтирилди.

Бундан ташқари, 698360 туп манзарали, 552889 туп мевали кўчатлар ва 341795 туп тут кўчатлари ўтказилди. Ёрдамга муҳтож оилаларнинг 14703 квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 1750 та эҳтиёжманд оилага 62 млн. 99 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Ҳашар давомида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари шаҳар марказидаги Навоий шоҳ кўчасида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга оширди. Тармоқ касаба уюшма фаоллари шаҳар ва туманлардаги аҳоли пунктларида меҳнат байрами тадбирларини бажаришда бош-қош бўлдилар.

* * *

«Андижонни обод ва кўркам гўшага айлантирайлик» шиорига амал қилган **АНДИЖОН**ликлардан 2 млн. 141 минг нафар аҳоли (улардан 1 млн. 693 нафари ёшлар) умумхалқ ҳашарида қатнашиб, 4 млн. 163 минг гектар ер майдонда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб борди. Кўча ва гузарларни чиқиндилардан тозалашда 1055 та техника воситалари жалб этилиб, 4 млн. 774 кв. метр майдон тозаланди. 51 минг 873 кв.метр уй-жойлар, 883 та қабристон ва зиёратгоҳлар, қадамжолар оқланиб, тартибга келтирилди.

— Анъаналаримизни ўзида жо этган ҳашар муносабати билан 5257 кекса-ногирон, эҳтиёжманд ва кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинди, уларга 174733 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди вилоят бўлими вакили К.Шамшодов. — Қувонарли томони, ҳашар давомида 1 млн. 527 минг туп манзарали, 471 минг 645 туп мевали кўчатлар экиб, янги боғлар бунёд этилди. Кексаларимиз ҳам ёшларга ибрат бўлди. Шунингдек, 3 млн. 338 минг туп гул кўчатлари экилиб, 319 минг тупдан зиёд дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

* * *

Умумхалқ хайрия ҳашарига **СИРДАРЁ** аҳли ғайрат билан киришди. Унда 549300 нафардан зиёд юртдошимиз қатнашди, шунинг 270625 нафарини ёшлар ташкил этди.

Ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан вилоятнинг 1641,2 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 3741,7 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Бунинг учун 757 та транспорт воситалари жалб этилди. 1261,5 км. узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 322 та зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. Бундан ташқари, 438427 туп манзарали ва 260449 туп мевали дарахт ниҳоллари ҳамда 417296 туп гул кўчатлари ўтказилди, 678237 туп дарахт оқланиб, шакл берилди.

Анъанага кўра, эҳтиёжманд оилаларнинг 19867,8 метр квадрат майдондаги уй-жойлар таъмирланди, 2649 та кам таъминланган оилага 166,846 минг сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

ФАРҒОНА. Ҳашар вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида чинакам меҳнат байрамига айланиб кетди. Кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, янгилаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

— Ҳашарда корхонамизнинг 6100 дан зиёд ходимлари қатнашди, — дейди «Фарғонаазот» ОАЖ касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Рўзиматжон Тошбеков. — 3,5 гектар майдон ободонлаштирилиб, 2,5 км. узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, икки минг тупга яқин дарахтлар оқланди ва яшил майдонлар кенгайтирилди. Цех ва бўлимларнинг ишчи ва мутахассислари ҳудудимиздаги мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари ҳамда гуллар парваришини йўлга қўйдилар.

Дарвоқе, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги «Ниҳол» оромгоҳида ташкил этилган ҳашарда бирлашма ходимлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширди. Оромгоҳ ҳудудига 1000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. 11 тоннадан зиёд чиқинди ҳудуддан олиб чиқиб ташланди.

Ўз мухбирларимиз

КЎКЛАМ ЮМУШЛАРИ

Шу кунларда барча шаҳар қишлоқларда бунёдкорлик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олмоқда.

Марғилон шаҳрида ҳам баҳорги юмушлар қизғин олиб борилмоқда. Шаҳарда шу кунгача 100 километр узунликдаги анҳор ва ариқлар ҳашар йўли билан тозаланди. Майдонлар, йўл ёқаларига, бинолар атрофларига 8223 туп атиргул, япон сафораси, каштан кўчатлари экилди.

— Тобора яқинлашиб келаётган янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзни муносиб кутиб олиш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ўтказмоқдамиз, — дейди шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Раҳимов. — Шаҳримиз ҳудудидаги Мустақиллик, Туркистон, Бурҳониддин Марғилоний, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий номли, Навбаҳор кўчаларидаги мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб, оқланди ҳамда суғорилди. Шаҳар маркази, Темирйўл шоҳбекатидаги фавворалар майдонлари тозаланиб, тартибга келтирилди, гулхоналарга майдонларига ишлов бериш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, майдонларга мавсумий гул кўчатлари экишга ҳозирлик кўряпмиз. Шаҳардаги 54 та маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда йўлка ва хиёбонлар, боғ-роғлар, тарихий ёдгорликларни тартибга соляпмиз.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Бекобод шаҳрида 16-17 март кунлари умумхалқ ҳашари ўтказилди. Унда жами 35 маҳалла фуқаролар йиғинида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, 36 мингдан зиёд аҳоли фаол иштирок этди ва 5 мингга яқин манзарали, 3 мингга яқин мевали, 4380 туп терак, 2800 дан ортиқ гул кўчатлари экилди. 23 минг дарахтга шакл берилиб, оқланди.

КАМАРБАСТА

— Ҳашар аждодларимиздан қолган эзгу анъана, — дейди «Фарҳод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Холтўраев. — Маҳалламиз аҳли қўлни-қўлга бериб, астойдил меҳнат қилди. Яшаб турган гўшамиз кундан-кун обод бўлаётир. Бу борада Бекмурод Юсупов, Абдусалом ҳожи Мазбутов сингари саховатли кишиларнинг хизмати катта.

Маҳалла посбони Икром Тўйчиев, котиба Малика Назаровалар саъй-ҳаракати билан маҳаллада маърифий — маданий тадбирлар тез-тез уюштириляпти. Эҳтиёжманд оилалар ва ногиронлар ҳамиша диққат марказимизда. Ҳафтанинг шанба кунлари озодаликка, ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чиқиндилар ўз вақтида олиб кетиляпти.

Дилдора ИСМОИЛОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Бекобод шаҳар бўлинмаси масъул котиби

Jshonch

2013-yil 19-mart № 32-33 (3226)

Касаба уюшмалари




МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

«UZKABEL» ОАЖ қўшма корхонаси юртимиздаги илғор ишлаб чиқариш тармоқларидан бири саналади. Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган кабел ва бўёқ маҳсулотларига ҳар доимгидан-да талаб ортган. Сабаби аниқ. У ҳам бўлса, маҳсулотларнинг сифати ва нархи харидорлар учун маъқул бўлаётганида. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва иқтисодий кўрсаткичнинг ўсиши корхонада фаолият юритаётган меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 1874 та ишчи-ходимнинг 587 нафари хотин-қиз, 520 нафари эса ёшлар. Уларнинг барчаси касаба уюшма аъзоси.

Корхонада 2011-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ижроси қатъий назорат қилиб борилади.

Айниқса, ишчиларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш, улар учун хавфсиз ва қулай меҳнат муҳитини яратиш, шунингдек, ишлаб чиқаришда юз бериши мумкин бўлган жароҳатланишлар олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Ходимлар учун дам олиш ва махсус кийим алмаштириш хоналарининг ташкил этилгани, уларнинг кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, профилактик озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлангани иш сифати ва самарадорлиги ошишида муҳим омил бўлмоқда. Бу йўналишдаги тизимли ишлар учун ўтган йили 381 млн. 650 минг сўм маблағ сарфланди.



Корхонада ишчилар хавфсизлигини таъминлаш учун 3 поғонали назорат йўлга қўйилган. Яъни, мавжуд 32 та цехдаги аҳвол уста томонидан ҳар куни текширувдан ўтказилса, бригадир ҳафтада бир марта иш шароитини кўздан кечиради. Учинчи поғонада эса бу жараён 3 ойда бир марта бош муҳандис ва касаба уюшма қўмитаси аъзолари иштирокида амалга оширилади. Аниқланган камчиликларни тегишли тартибда бартараф этиш учун цех раҳбариятига вақт белгиланади.

Касаба уюшма қўмитаси ва цех бошланғич касаба уюшмалари ҳар бир ходимнинг яшаш тарзи, оилавий шароити билан яқиндан хабардор. Улар кўмагида кам таъминланган, эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам ажратилиб, байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Ўтган йилда ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағ 2 млрд. 403 млн. сўмни ташкил этди. Янги турмуш қураётган ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 та ёш оилага 1,5 млн. сўм миқдорида тўёна берилди. Бундан ташқари, жамоа шартномаси орқали 113 та ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўтган йил мобайнида ишчиларнинг овқат пули учун 2 млрд. 403 млн. сўм ажратилиб, 2 ёшгача бола парвариши билан банд бўлган 28 нафар аёлга 40 млн. сўмдан зиёд нафақа пуллари тарқатилди.

Корхона ишчиларининг саломатлигини асраш, уларга биринчи ёрдамни кўрсатиш мақсадида тиббиёт-санитария бўлими ташкил этилган. Ходимлар ҳар йили бир марта бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Шу билан бирга, мазкур бўлим рентген ва флюрография жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, ишчиларнинг амбулатор шароитда даволаниши учун барча имкониятлар мавжуд.

Ишчилар ҳар йили имтиёзли йўлланмалар билан юртимизнинг хушҳаво масканларида дам олишмоқда. Ўтган йили 16 нафар ходим ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлиб, «Оқтош», «Чимён», «Чинобод» ва «Зомин» санаторийларида саломатлигини тиклади. Жорий йилнинг дастлабки ойида эса битта ёш оилага «Умид гулшани» санаторийсига йўлланма тақдим этилди. Шунингдек, корхона ишчиларининг маданий дам олишини яхшилаш, тарихий обида ва қадамжолар билан таништириш мақсадида 14 та ёш оиланинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Бир гуруҳ ходимлар эса Зангиота зиёратгоҳида бўлиб, пойтахтимиздаги Ҳазратиимом мажмуаси билан танишишди.

Корхона тасарруфидаги Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғида жойлашган «Зилола» болалар оромгоҳида ҳар йили мингдан зиёд болажонлар мириқиб, хордиқ чиқаришади. Мавсум давомида корхона ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 55 та имтиёзли, 45 та бепул йўлланмалар ажратилди. Шу билан бирга, ходимларнинг 40 нафар фарзанди мавсумнинг 4-чи навбатида бепул дам олдирилди. Оромгоҳда дам олувчиларга кўнгилдагидек шароит яратиб бериш учун корхона мутасаддилари ҳар йили қизғин тайёргарлик кўришади. Ўтган мавсумда таъмирлаш ишларига 30 млн. сўмдан ошиқ маблағ сарфлангани ҳам фикримиз исботидир.

«Устоз-шогирд» анъанасига мувофиқ, касб-ҳунар коллежлари билан шартнома имзоланган бўлиб, ўтган йили амалиёт ўтаган иқтидорли талабалардан 8 нафари корхонага ишга қабул қилинди. Улардан 4 нафари Металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридаги стипендиялар билан тақдирланди.

Корхонада касаба уюшма қўмитаси ва Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида «Балли, йигитлар» танлови ҳамда цехлараро футбол турнири ўтказиш анъана тусини олган.

Ишчи-ходимлар Наврўз умумхалқ байрамини «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси асосида ўтказиладиган тадбирлар билан қарши олишади. Мазкур дастур доирасида ёшлар ўртасида турли танлов ва спорт ўйинлари, сумалак сайли ташкил этилади.

Хабарингиз бор, ЎзКУФК ташаббуси билан ҳар йили фаол касаба уюшма аъзолари ва бошланғич ташкилотлар раислари муносиб рағбатлантирилади. Ўтган йили мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида «UZKABEL» ОАЖ қўшма корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Рустамжон Турсунов ҳам «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги ўзгаришлар, берилаётган имтиёзлардан ҳар бир ходим манфаатдор эканлигини англаб етмоқда, — дейди у. — Балансида йирик ижтимоий объектлари бўлган корхона, ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталарида аъзолик бадалларининг 70 фоизгача қолдирилиши натижасида ишчилар 5 йилда эмас, ҳар икки йилда санаторийларда дам олиш имконига эга бўлгани, қолаверса, бу имтиёздан яқин қариндошларнинг ҳам фойдаланиши, албатта, меҳнатга иштиёқнинг кучайиши ва иш самарадорлиги ортишига замин яратади.

Баҳор келиши билан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқади. Корхона ишчи-ходимлари бу хайрли юмушлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Улар юрт ободлигига ҳисса қўшиш мақсадида бўш вақтдан унумли фойдаланиб, «Навниҳол» маҳалласи ҳудуди ҳамда Дўрмон йўлида тозалаш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишларини сидқидилдан бажаришмоқда.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Жомбой туманида кейинги йилларда ўнлаб саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Намунали туман мақоми учун интилаётган жомбойликларнинг шашти баланд. Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ҳудуддаги қатор йирик саноат корхоналарида бўлиб, яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишди.

Автомобил саноати гигантларидан бирига айланиб улгурган «JY «МАИ» UZBEKISTAN» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида янги лойиҳаларни ишга тушириш ва иш ўринларини кўпайтириш эвазига кунига саккиз донагача автомобил йиғишга эришилмоқда. Меҳнат аҳли учун барча шароит яратилган. Автомобилсозлик соҳасида маҳаллий ёшлар касб маҳоратини оширишда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Корхона ва ҳудудда жойлашган 2 та касб-ҳунар коллежи «Устоз-шогирд» анъанаси туфайли бақамти фаолият юритмоқда. Ҳозирда бу ерда 50 нафар коллеж ўқувчилари маҳоратини ошираяпти. 20 нафар битирувчи эса корхона ишчилари сафидан жой олди.

— Ходимларнинг унумли ишлаши, мазмунли хордиқ чиқариши учун шароитлар етарли, — дейди қўшма корхона меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Маҳмуд Аҳмедов. — Олтмиш беш ўринли ошхонамизда корхона ҳисобидан тушлик йўлга қўйилган. Шунингдек, ишчилар учун транспорт воситалари ажратилган. Касаба уюшмаларидаги ислоҳотлар, тизимнинг такомиллашуви бизга янги имкониятлар эшигини очди. Хусусан, бошланғичлар ихтиёрида 60-70 фоиз миқдорида маблағ қолдирилиши ҳамда бундан буён нафақат ходим, балки унинг оила аъзолари учун ҳам сиҳотгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратилиши барчанинг кўнглидаги иш бўлди. Биз ҳам корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташкил этишга қарор қилдик. Маъмурият билан ҳамкорликда жамоа шартномаси орқали ходимларга бериладиган имтиёзлар салмоғини ошириш мўлжалланмоқда.

«Амин инвест» ип-йигирув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси эса турдош корхоналар орасида илғор жамоалардан. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 80 фоизи хорижга чиқариляпти. Бу ютуқларда астойдил меҳнат қилаётган 600 нафар маҳаллий ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Халқаро ISO—9001 сертификати соҳиблари юз нафар коллеж битирувчисини ўз сафига қабул қилган. Кимдан сўраманг, ўз тақдиридан мамнун эканлигини айтади.

Зилола Холмуродова, ип йигирув цехи оператори:

— Қишлоқда қурилган саноат корхонаси бизга жуда қўл келди. Ишлаш имконияти бор аёлларнинг асосий қисми шу корхонага жалб этилди. Бу ерда замонавий технологиялар билан сирлашишни ўргандик, маҳоратимиз ошди. Ҳозирда ёшларга устозлик қилаяпман.

Баҳодир Қўзиев, цех бошлиғи:

— Корхонамизда асосан аёллар меҳнат қилишади. Нозик дид соҳибаларига унумли ишлаши ва дам олиши учун шароит яратиб берилган. Ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилади. Муҳими, юз бераётган ўзгаришлар туртки бериб, корхонамизда ҳам касаба уюшма ташкилоти тузиш ҳақида келишиб олинди. Эндиликда ходимларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароити янада яхшиланади.

Наврўз Муродов, бўёқлаш цехи ишчиси:

— Жомбой туман енгил саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаб келганимга кўп бўлгани йўқ. Иш ўрганаяпман. Устозларимнинг айтишларича, ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини пухта билишим керак экан. Бу синовлардан қунт ва чидам билан ўтишимга ишончим комил.

ЎзКУФК раиси Т.Нарбаева сафар давомида Агросаноат мажмуи ходимлари Жомбой туман кенгаши ҳамда таълим, фан ва маданият ходимлари туман кенгаши фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг VI-мажлиси бўлиб ўтди. Унда Обод турмуш йилида ЎзКУФ томонидан касаба уюшмалари олдига қўйилаётган вазифалар муҳокама этилиб, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш соҳасидаги ишларга муносиб улуш қўшиш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Бирлашма кенгаши раиси А.Аҳмедов меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг роли ошиб бораётганига эътибор қаратди. Жумладан, касаба уюшмалари юридик маслаҳатхоналари, «Ишонч телефонлари» орқали бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, яратилган иш ўринларининг ишончлилиги юзасидан ўрнатилган жамоат назорати ўз самарасини бераётир. Хусусан, вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жорий йилда ҳам кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож битирувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан ёш оилалар, хотин-қизлар, ёшлар учун янги иш ўринлари яратишга жиддий аҳамият берилади. Нодавлат секторидаги корхоналарини касаба уюшмаларига жалб этиш орқали уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишларини янада кучайтириш зарурлиги ҳам қайд этилди. Шунингдек, юртимизда туризмни ривожлантириш йўналишидаги фаолиятга муносиб ҳисса қўшиш, ички туризм билан бирга тиббий туризмни кенгайтириш иштирокчилар диққатмарказида бўлди. Ходимлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, меҳнат фахрийлари ва ёшларнинг республикамизнинг диққатга сазовор тарихий шаҳарларига саёҳати янада кенг кўлам касб этади. Аҳоли томорқаларини ривожлантириш ҳам касаба ушмаларининг доимий эътиборида бўлади.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг IX мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни бирлашма кенгаши раиси Бекчанбой Матёқубов олиб борди.

ЁШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Таъкидландики, замон билан ҳамнафас иш юритиш ҳар бир касаба уюшма ходими ва фаолидан жонкуярлик, фидойиликни талаб қилади. Вазифаларни оғишмай амалга ошириш учун, аввало, соғлом муҳит зарур. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қуйи бўғинларга ана шундай муҳитни яратиб берди. Энди аъзолик афзалликларини асослаш, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишни янада кучайтириш чораларини кўриш даркор.

Албатта, муваффақиятларга кадрлар кўмагида эришилади. Кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимини ёш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Мажлисда кейинги йилларда агросаноат мажмуи тармоғида жиддий камчиликлар юзага келганлиги танқид қилинди. Устав талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйиш, молиявий аҳволни соғломлаштириш вазифаси белгиланиб, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ташкилотчи лавозимига бирлашма раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Бахтиёр Матмуратов тайинланди.

«Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келган Камолжон Бекчанов Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари этиб сайланди.

Шунингдек, бирлашма кенгаши ва раёсат аъзолари таркибига ўзгаришлар киритилди.

Мажлисда Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари Маҳмуджон Эрметов сўзга чиқди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан аъзо ташкилотларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, тизимдаги ўзгаришлар ҳамда турли маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар жума кунига мўлжаллаб тузилган ўқув-семинарлар жадвалига кўра гуруҳ Сардоба ва Ховос туманларида бўлди.

ҲАР ЖУМА КУНИ

Сардоба тумани асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганига қарамай, бу ерда саноат, кичик ва хусусий корхоналар фаолияти тез ривожланмоқда.

Бошланғич ташкилот аъзолари ва туман кенгашлари раислари иштирокида ўтган семинарда бирлашма кенгаши бўлим мудирлари Б.Исматов, Х.Аминов ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими вакили Д.Пирманов такомиллашув жараёни талабларига эътибор қаратдилар.

Иштирокчилар семинар асносида меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш, таътилга чиқиш тартиби каби масалалар бўйича билимларини мустаҳкамладилар. Меҳнат ҳуқуқлари поймол бўлганда мурожаат қилиниши лозим бўлган «Ишонч телефони» яна бир бор эслатилди.

Ховос туманида бўлиб ўтган ўқув-семинар ҳам қизғин савол-жавоб асосида ташкил этилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Bukhara seed company» Ўзбекистон — Франция уруғчилик қўшма корхонаси замонавий технология билан жиҳозланган бўлиб, 180 кишилик жамоа учун яратилган қулай меҳнат шароити муваффақиятлар омили бўлмоқда.

ҲАМКОРЛИК

2012-2014 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси бўйича ҳисобот конференцияси ўтказилди. Унда касаба уюшма фаоллари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг шаҳар ҳамда туман кенгашлари раислари иштирок этишди. Унда касаба уюшма қўмитаси раиси Салима Ҳамдамова ҳисоботи тингланди.

Музокараларда сўзга чиққанлар корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси туфайли меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда сезиларли ўсишга эришилганини таъкидладилар.

Жамоа ходимлари ва нафақахўрларни ижтимоий ҳимоя қилиш кенг йўлга қўйилиб, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш, саломатликларини асраш, тўй ва маъракалари учун касаба уюшма тавсиясига кўра 16 млн. 860 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Байрамларда ҳимояга муҳтож ходимларга касаба уюшма маблағи ҳисобидан 17,8 млн. сўмлик эсдалик совғалари берилган. Ишчиларни меҳнат таътили ва нафақага чиқиш пайтида қўшимча моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Федерация Кенгаши томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлардан бири — бандлик ва янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам сезиларли натижалар қайд этилди. Жумладан, ходимларга қиш мавсумида арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари омбори ташкиллаштирилди. Натижада, 2 та иш ўрни яратилди.

Корхонада ходимлар қулай иш шароити, меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, цехларда санитария-гигиена меъёрлари талаб даражасига келтирилишига эришилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоа шартномасида 19 банддан иборат тузилган чора-тадбирларда 5 млн. 500 минг сўмлик маблағ сарфланиши режалаштирилгани ҳолда амалда 7 млн. 960 минг сўмлик ишлар бажарилган.

Зарур анжомлар билан жиҳозланган тиббиёт хонаси

Ishonch
2013-yil 19-mart № 32-33 (3226)

меҳнаткашларнинг ҳамкори ва таянчи

ФАЙЗУ БАРАКА — ОМИЛКОРЛИКДА





Косонлик Холида Аслонова оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, мавжуд имконият ҳамда имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ўз хонадони фаровонлиги ва тўкинлигини таъминлаётган ишбилармон аёллардан.

Холида опа оиласида тайёрланаётган зардўзлик ва каштачилик буюмлари юқори сифати, бетакрорлиги билан харидоргир. «Ҳунарманд» уюшмасининг Қашқадарё вилояти Косон туман бўлими аъзоси Холида опа ўнга яқин оила аъзолари ва қариндошларини иш билан таъминлаб, ўз фаолиятини кенгайтиришга интилмоқда.

Суратларда: Холида Аслонова қизи Муниса Ризвонова ва жияни Ирода Ризвонова билан; Севара Ризвонова.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

МЕҲРИБОНЛИК

Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи бошланғич касаба уюшма қўмитаси ходимлар ва тарбияланувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда маъмурият билан ҳамкорлик қўл келаётир.

Қўмита етакчиси Мавлуда Холдорова, айниқса, меҳнат муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар режасига масъулият билан ёндашади. Ушбу йўналишда ўтган йили 5 млн. сўм сарфлангани учун ҳам кўнгилсиз ҳодисалар содир этилмади.

— Мавлудахон тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги, ходимларга меҳрибонлиги билан ҳаммага ибрат, — дейди тарбиячи Робия Юсупова. — Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси тўғрисида Низом ва Йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлиб, қўмита хонасида меҳнатни муҳофаза қилиш бурчаги ташкил этилган. Зарур дори-дармонлар билан таъминланган биринчи тиббий ёрдам хонаси ходимлар хизматида. Қолаверса, ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тадбири ўз муддатида амалга ошириляпти. Ўтган йили «Куйдирги ва қутуриш касаллигининг олдини олиш» ойлиги белгиланиб, «Бачадон саратони касаллигининг олдини олиш», «СПИД касаллиги», «Қариндошлик никоҳлари», «Йод танқислиги», «Камқонлик», ОИТС, «Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари», «Диарея касаллиги» мавзуларида шифокорлар иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Маскан кутубхонаси 4 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлиб, ундан 45 нафар ходим, 129 нафар тарбияланувчи фойдаланмоқда. Яқинда Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 463100 сўмлик бадиий адабиёт ва дарсликлар совға қилинди.

Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўтган йили Фарғона туманидаги «Чимён» сиҳатгоҳида 2 нафар ўқитувчи саломатлигини мустаҳкамлади. Тошлоқ туманидаги Заркент қишлоғида ташкил этилган «Оқ олтин» оромгоҳида ходимларнинг 4 нафар фарзанди ҳордиқ чиқарди. 1-Меҳрибонлик уйининг 129 нафар тарбияланувчиси Қувасой шаҳридаги «Меҳнат ва роҳат» соғломлаштириш оромгоҳида дам олдирилди.

Масканда шахмат, стол тенниси, белбоғли кураш, волейбол каби спорт тўгараклари ишлаб турибди. Тарбияланувчи Дилдора Каримова ўтган йили Наманган вилояти Чортоқ туманида ўтказилган (40 кг.) республика чемпионатида кураш бўйича учинчи даражали диплом билан, тарбияланувчи Василиса Найпак (12 ёш) шаҳар миқёсида ўқувчилар ўртасидаги шахмат бўйича ташкил этилган мусобақада фахрли 2-ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирланди. 50 нафар спортчи қизларга спорт кийимлари топширилди.

Бошланғич ташкилот томонидан 1-Меҳрибонлик уйи ҳудудига яқин бўлган «Карнайчи» кўчаси, 41-хонадонда яшовчи II Жаҳон уруши қатнашчиси Азимжон Ибрагимов, 5 нафар нафақадаги устозлар ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди.

— Эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларимиз маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг янги қирраларини намоён этаётир, — дейди касабақўм етакчиси Мавлуда Холдорова.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

ИБРАТ МАСКАНИ

Боғишамол қишлоғи фусункор табиатли Зоминнинг энг хушманзара гўшаларидан бири. 31-умумтаълим мактабининг икки қаватли янги биноси эса қишлоқ чиройига янада кўрк бахш этди. Мазкур билим масканига Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи Зулҳайдар Қурбонбоев чорак асрдан буён раҳбарлик қилиб келади.

— Ташаббускор, тадбиркор, янгиликни тез илғайдиган кишилар билан елкадош бўлиб ишлаш жуда мароқли, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Маҳкам Туронов. — Зулҳайдар акада ана шундай фазилатлар мужассам.

Мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги ҳамкорлиги қўл келмоқда. Масалан, мактаб раҳбарининг ташаббуси ва ҳомийлар (қишлоқ тадбиркорлари Бахтиёр ҳожи ва Исмадиёр Жабборов) кўмагида янги ўқув йилидан бошлаб илғор ўқитувчи ҳамда ўқувчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида стипендия жорий қилинди. Номзодлар тегишли комиссия томонидан тавсия этилади. Ўқув йилининг ҳар чораги якунида илғор ўқитувчи 100 минг, ўқувчилар эса 30-50 минг сўмдан рағбатлантирилади. Иккинчи чорак якунига кўра рус тили ўқитувчиси Раъно Мусурмонова, география фани муаллимаси Зулхумор Исматуллаева, 3-синф ўқувчиси Севинч Тўраева, 5-синфдан Азимжон Жоникулов, 9-синфдан Ҳулкара Рустамова, Мирзоулуғбек Ҳазратқулов каби 17 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчи стипендия соҳиби бўлишди.

Яна бир ҳомий кўмагида кам таъминланган оиладан бўлган 40 нафар ўқувчининг ҳар бирига 250 минг сўмлик бош-оёқ кийим тақдим этилди. Янги йил арафасида нафақадаги 14 нафар ўқитувчига ҳомийлар томонидан телевизор совға қилинди. Туман марказидан мактабгача бўлган 3,5 километрлик йўл ҳам ҳомийлар ҳисобидан асфалтланди... Эзгуликка йўғрилган бундай камарбасталиклар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ушбу мактабда Зомин туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан яқинда ташкил этилган амалий ўқув-семинарда тармоқ ходимлари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иштирок этдилар. Улар мактаб бошланғич касаба уюшма фаолияти, маскан ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Амалга оширилаётган ибратли ишлар барчада катта таассурот қолдирди. Тармоқ бошланғич касаба уюшма етакчилари қизғин ва очиқ суҳбат асносида ўзаро тажриба алмашдилар.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари И.Турсунов, Э.Умурзоқов, И.Юнусовларнинг ижтимоий шерикликда жамоа шартномаларининг ўрни ва аҳамияти, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлик, бошланғич ташкилотларда ҳужжатлар билан ишлаш сингари долзарб мавзулардаги чиқишлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Туманимиздаги 99 та бошланғич ташкилотга 6080 нафар аъзо бирлашган, — дейди тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Э.Алламуродов. — Бугунги тадбирдан мақсад фақат ўргатиш эмас, бошланғич ташкилотларда тўпланган тажрибаларни ўрганиш ҳам эди. Мамлакатимиз касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ўзгаришлар жараёнидан вақтида бохабар бўлиб боришимиз жуда муҳим. Шу маънода бугунги анжуман самарали кечганидан мамнунман.

— 32 йилдан буён мактабда раҳбарлик қилиб келаман, — дейди 1-ихтисослашган мактаб директори Ҳасан Йўлдошев. — Мен ҳам бугунги касаба уюшмалари тадбиридан ўзимга хулосалар олдим. Меҳнат қонунчилиги анча мураккаб, уни ҳаммаям тўлиқ ўзлаштира олмайди. Бугун олган билимларимизни ҳаётда қўллай олсак, марра бизники.


— Касаба уюшмалари ҳаётидаги сўнгги янгиликлар бизга кўп нарса берди, — дейди Зомин информатика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Пиримқул Юлжўраев. — Бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, айни муддао бўларди. Негаки, намунали бошланғич ташкилот бўлгач, тизим янгиликларидан хабардор бўлиб боришимиз керак-да.

Ўқув-семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олишди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан фуқаролардан тушаётган мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, мансабдор шахслар билан музокаралар давомида ҳал этилмаган ишларга судлар орқали ечим топиш амалиётидан кенг фойдаланилаяпти. Жумладан, Наманган шаҳрида яшовчи, 1960 йилда туғилган фуқаро Евгений Зубаревнинг манфаатлари судда ҳимоя этилди. Бу ҳақда бирлашма раиси Зулайҳо МАҲКАМОВА қуйидагиларни маълум қилади:



— Мурожаатчи 1975 йил 7 июл куни Наманган консерва заводидаги фаолияти даврида балоғат ёшига етмай бахтсиз ҳодиса сабаб меҳнат ногирони бўлиб қолган. Наманган шаҳар ТМЭКнинг 1976 йил 17 апрелдаги 46-сонли далолатномасига асосан меҳнат қобилиятини 75 фоиз йўқотган, яъни ўнг қўлини билагидан бутунлай йўқотган бўлса-да, 1976 йил 14 апрелдаги 407-сонли маълумотномада меҳнатга яроқсизлик фоизи мутлақо кўрсатилмаган.

Е.Зубаревнинг аризасига кўра, 1999 йил 1 февралда вилоят касаба уюшмаларининг аралашуви билан ТМЭКга мурожаат қилиниб, Наманган шаҳар ТМЭКнинг хулосаси билан 3-гуруҳ ногиронлиги ҳамда меҳнатга яроқсизлиги 60 фоиз қилиб муддатсиз белгиланади.

Мурожаатчи ўша вақтга қадар ногиронлик нафақасинигина олиб келган, аммо меҳнатда майиб бўлганлик учун ҳеч қандай тўлов амалга оширилмаган. Касаба уюшмаси аралашгач, 1999 йил 10 февралдан меҳнатда майиб бўлганлик нафақасини ола бошлайди. Аммо бу маблағ бор-йўғи энг кам иш ҳақи миқдорига тенг эди.

Вилоят хўжалик судининг 2004 йил 20 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан «Наманган консерва заводи» АЖ банкрот деб топилгач, ишлаб чиқариш ҳодисаси оқибатида 3-гуруҳ ногирони бўлган Е.Зубаревнинг ҳужжатлари Наманган шаҳар бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимига 2005 йил 5 октябр куни 17-сонли хат билан топширилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари»нинг 16-бандига асосан 2010 йилда унга етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, у ойига 315 минг сўм миқдорида нафақа олиб келган.

2012 йил май ойида эса унинг нафақаси қайта ҳисоб-китоб қилиниб, энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, яъни 32 минг сўм этиб белгиланади.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари»нинг 16-бандида «Балоғатга етмаганлар (16 ёшга тўлмаган) меҳнат жароҳати олган тақдирда, зарар унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг беш баробаридан кам бўлмаган миқдорда» тўланиши белгиланган. Шунингдек, «Ўзметмашсаноат» тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг 2010 йил 29 сентябрдаги мурожаатига Наманган шаҳар бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг жавоб хатида: «Е.Зубаревга етказилган зарар суммаси 2010 йил 1 августдан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида тўланиши белгиланди» дея қайд этилган эди.

Керакли ечим топилмагач, Фуқаролик ишлари бўйича Наманган шаҳар судига ходимга етказилган зарар учун товон пули тўлаш тўғрисида даъво аризаси киритилди. Суд даъвони қаноатлантириб, Е.Зубаревнинг фойдасига ҳал этди. Эндиликда меъёрий ҳужжатларга асосан унинг соғлиғига етказилган зарар учун нафақа пули ҳамда товон пуллари миқдори қайта ҳисобланадиган бўлди.

«Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА ёзиб олди

ТУФАЙЛИ

Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мажлислар залида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши томонидан ўқув-семинар ташкил этилди. Бирлашма мутахассислари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокидаги тадбирни тармоқ кенгаши раиси Л.Байбосинова кириш сўзи билан очди.

РИСОЛА МУҲОКАМАСИ

Таъкидландики, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳалари қатори касаба уюшмаларида ҳам такомиллашув жараёни кечаяпти. Бу ҳолат меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топаётир. Жумладан, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Меъёрий ҳужжатлар тўплами» китоб шаклида ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2013-2015 йилларга тузилган Тармоқ Келишуви» рисола шаклида нашр қилинди. Ўқув-семинар ушбу ҳужжатлардаги ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўлими мудири М.Данияров меҳнат шартномаларини тузиш, уларда қайд қилинадиган томонларнинг вазифа ва мажбуриятлари, шартномаларнинг тўхтатилиши ёки бузилишига сабаб бўладиган ҳолатлар ҳақида тўхталди. Шунингдек, нотиқ жамоа шартномаларини тузиш, уларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби ҳақида тушунча берди. Бирлашма юридик бўлими маслаҳатчиси П.Турсинов фуқаролик жамиятида ижтимоий шериклик муносабатлари ҳамда ушбу алоқаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтди. Ижтимоий суғурта бўлими мудири ўринбосари У.Реимова, ҳисоб бўлими бош мутахассиси К.Пирназаров, меҳнат муҳофазаси бўлими бош мутахассиси Б.Утепбергенов, ташкилий бўлим мудири Г.Илмурадовалар эса меъёрий ҳужжатлар, уларнинг афзалликлари ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Тадбир якунида бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Х.Ермугамбетов қатнашчиларни янада фаоллик кўрсатишга, Обод турмуш йилида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга чорлади.

Файзулла САЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

Jshonch
2013-yil 19-mart № 32-33 (3226)

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Тошкентда «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сифат ва миқдорий ўзгаришлар» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз парламенти аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, БМТТД, ЮНИСЕФ каби Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, Франция, АҚШ, Словения, Жанубий Корея, Исроил каби мамлакатлардан хорижий экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон олий қадрият ҳисобланган, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги таъминланиб, салоҳиятини рўёбга чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратилган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Конференцияда ўз тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда эътироф этилган ислоҳотларнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этишнинг амалдаги натижаси экани таъкидланди.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчил амалга ошириш доирасида аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган, халқимиз тарихидан чуқур ўрин эгаллаган мустақил иш олиб борадиган, барқарор фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шароитлар яратилган.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов ўз маърузасида Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида мазкур институтда ушбу ижобий демократик жараённи чуқур ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилганини қайд этди. Мониторинг тадқиқотлари натижалари мамлакатимизни демократик модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти муттасил ошаётгани, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг фуқаролик онги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг барқарор ўсаётганидан далолат беради. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Улар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг институционал тузилмасини ташкил этади ва фуқароларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган жами икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу ижобий жараённи ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва ишбилармонлик фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилингандан сўнг бу жараён янада жадаллашди. Ушбу ҳужжатга биноан мамлакатимиз олий қонунчилик органи ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008-2012 йилларда давлат бюджетидан Жамоат фондига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан турли жабҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакилининг ўринбосари Яко Силлерснинг таъкидлашича, «фуқаролик жамияти ҳар қандай мамлакатни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик институтларига ислоҳотларни амалга оширишда, жумладан, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда асосий механизмлардан бири сифатида қаралиши жуда муҳим. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шаклланган ҳуқуқий база, давлатнинг фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаши, хусусан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги, кўплаб жамоат ташкилотлари самарали фаолият кўрсатишида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ушбу барча йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шуниси қувонарлики, фуқаролик жамияти соҳасида фаоллик кучаймоқда. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли турли қатламларининг ҳокимият органлари билан самарали алоқаларини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, бунда мазкур конференция каби муҳим тадбирларнинг ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу каби тадбирлар натижасида давлат ва жамият ўртасидаги амалий мулоқот ривожланмоқда».

Конференцияда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу муҳим соҳада ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб бергани, унда давлат ва жамият қурилишида фуқаролик институтлари иштирокини изчил кенгайтиришга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар кўзда тутилгани таъкидланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутади. ННТлар фаолияти мамлакатимизни ривожлантириш шартлари ва халқаро стандартларга мос қонунчилик базаси билан таъминланган бўлиб, уларни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш механизми яратилган. 2007 йилда қабул қилинган ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органларига мурожаат қилиш, давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимояланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун жамиятимизда уларнинг мақомини янада мустаҳкамлади.

ННТларнинг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадида 2005 йилда ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирмоқда, бу борада ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар ННТлар сонининг кўпайиши ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берди. 1991 йилда мамлакатимизда атиги 95 ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар 6 мингдан ошди. ННТларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилаётган грант маблағлари миқдори ҳам мунтазам кўпайтирилмоқда. Маълумотларга кўра, 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 2300,4 миллион сўмни ташкил қилди. Грантлар олган ННТлар сони ҳам кўпайди — 2011 йилда 122 тадан 2012 йилда 160 дан ошди. Бунда жойлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда иштирок этаётган ҳудудий ННТлар сони 2,2 бараварга кўпайди. Айни пайтда уч юздан ортиқ ННТ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этди, кейинчалик эса ушбу дастурга изоҳчилар сифатида киритилди. Бундан ташқари, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг аксарият бандлари бевосита ННТлар иштирокида амалга оширилди.

Пировард натижада эса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама этиш ҳамда экспертизадан ўтказишда ННТлар фаоллиги ошмоқда.

«Ўзбекистонда давлат фуқаролик жамияти ва унинг институтларини, жумладан ННТларни ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда, — деди эксперт Хван Сан Чел (Жанубий Корея). — Бизнинг Осиё маданияти ва ривожланиш институтимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Тошкентдаги етакчи клиникалар базасида фаолият юритиб, бирга-ликда операциялар, гуманитар акциялар ўтказмоқдамиз. Шу билан бирга, чекка туманлар аҳолисига юқори малакали маслаҳат ва даволаш ёрдамини кўрсатиш учун кўчма ихчам клиника фаолият юритмоқда. Бу фаолият аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам бериш доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда кенг ривожланган бу жараён, хусусан, ННТ тармоғи ва маҳалла орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатингизда тобора мустаҳкамланиб бораётган фуқаролик жамияти тузилмаси Ўзбекистонда одамларнинг кўплаб муҳим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашмоқда. Бу эса ривожланиш жараёнида давлат ва жамиятнинг ўзаро самарали ҳамкорлигига ёрқин мисол бўла олади».

Тадбирнинг хорижлик иштирокчилари Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) юқори даражада ривожланаётгани, мамлакатимизда ОАВ самарадорлиги ва мустақиллигини, ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилаётгани ҳамда бу ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидладилар.

Бунга мустақил ОАВни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган тизимли ҳамда босқичма-босқич ишлар ҳам ёрдам бермоқда. Бу борада «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, ўз таркибида юздан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар, нодавлат ОАВ, жумладан электрон медиа-тузилмаларни тизимли асосда қўллаб-қувватламоқда. 2009-2012 йилларда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида иштирок этаётган ОАВлар сони тўрт баробарга кўпайди. Бу даврда ОАВни ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган грант маблағлари ҳажми ҳам 25 баравардан ошди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 1991 йилдан буён уларнинг сони 395 дан 1326 тага кўпайди, уларнинг қарийб 60 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, ҳудудий ОАВнинг роли, шунингдек, уларнинг танқидий материаллари таъсирчанлиги ошди ва ушбу материаллар бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўп партияли тизимнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун билан белгиланган. «Парламентдаги кўпчилик» ва «парламентдаги озчилик» тушунчаларига аниқлик киритилган, мамлакатимиз парламенти қуйи палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия Бош вазир номзодини таклиф этиш, уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ташаббусини билдириш ҳуқуқларига эга.

Мазкур қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши кўп партияли тизимни мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатди, парламент, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида, мамлакатимиз тараққиёти учун аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш асосларини яратди. Айни пайтда мамлакатимиз парламентида тўрт сиёсий партия фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Партияларо рақобат даражаси ошди, фракцияларо кураш, фракцияларнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда қонунлар ижросини текшириш ишлари кучайди. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан Халқ депутатлари кенгашларидаги партиялар гуруҳларидан депутатлик сўровлари сони 33,2 фоизга кўпайди. Мансабдор шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, давлат дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш амалиёти фаол қўлланилмоқда.

«Ўзбекистондаги кўплаб фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз ва бу бизга катта ижобий тажриба бермоқда, — дейди «Минтақавий мулоқот» ННТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директорининг ўринбосари Катя Гершак (Словения). — Фуқаролик жамияти демократик давлат барпо этишнинг муҳим ташкилий қисмидир. Унинг моҳияти шундаки, одамлар бир-бирига ёрдам беради. Ўзбекистонда бундай ҳамкорликка одамлар фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатаётган турли жамоат ташкилотлари ишига фуқаролар ҳам жалб этилаётган маҳалла институти ёрқин мисол бўла олади. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашаётган яна бир ижобий тажрибани мисол тариқасида қайд этишни истардим. Айни пайтда янги қонунларнинг ишлаб чиқилган лойиҳаларининг жамоат томонидан кенг муҳокамаси ташкил этилган».

Ўзбекистонда давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида вазифаларнинг бир қисмини жамоат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг маҳалла каби ноёб ўзини ўзи бошқариш органига босқичма-босқич ўтказиш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари илгари маҳаллий ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари доирасига кирган ўттиздан ортиқ вазифани бажармоқда, чунончи, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамиятимизда маънавий-ахлоқий қадриятларни асраб-топтириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, аҳоли бандлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудудларни ободонлаштириш каби кўплаб масалаларни самарали ҳал этмоқда.

Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айланмоқда. Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилмоқда, ишга жойлаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банк кредитларини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси юксак натижалар бераётир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида 2012 йилда 633 мингта янги иш ўринлари яратилди ва бу 2011 йилдагига нисбатан учдан бир баробар кўпдир.

Мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқаролар онги, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг нечоғли ривожланганига боғлиқдир. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзининг конституцион ҳуқуқлари, Ватанимиз тақдирига, мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлигини англаш туйғусини шакллантириш муҳим вазифалардандир.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим вазифаси сифатида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича узлуксиз таълим ва маърифат, аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишга доир ноёб, яхлит тизим яратилганини қайд этдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» ва «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонлари мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури қабул қилинди. 2008 йилда эса давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурига мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида ҳам ушбу соҳада изчил ишлар бажарилди. Ўзбекистонда 2011 йилдан буён Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда. Унда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида қонунларга риоя этиш устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга оид янада кенг кўламли чора-тадбирлар кўзда тутилади.

Конференцияда аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти демократик жамият асоси ва уни ривожлантириш кафолати экани таъкидланди. Бу жараёнга фуқаролик институтлари ҳам янада фаолроқ жалб этилмоқда. Қонун устуворлиги принципини амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишда уларнинг ўрни ортиб бораётир.

«Бундай ўта муҳим мавзуга бағишланган конференцияда қатнашиш мамлакатингизда бу борада тўпланган тажрибани янада чуқур ўрганиш имконини беради, — дейди эксперт Идан Пейсахович (Исроил). — Масалан, «Камолот» каби йирик ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, ёшларнинг етакчилик кўникмаларини ривожлантириш, уларга билим олиш, ишга жойлашишда, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам бериш жуда яхши тажриба бўлиб, уни, жумладан Исроилда ҳам ўрганса ва қўлласа арзийди. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича очиқ мулоқот жараёнига кенг жамоатчилик жалб этилган, хусусан, хорижлик экспертлар иштирокида давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилмоқда. Бу борада мамлакатингиздан ибрат олса арзигулик жиҳатлар кўп. Ўзбекистон Президентининг оқилона ва аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсати самарасида мамлакатингизда фуқаролик жамиятини ва унинг институтларини барча даражада ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Бу жуда тўғри йўл бўлиб, ундан бундан буён ҳам самарали ҳаракат қилишингизга ишонаман».

Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Фуқаролар мурожаатлари сони кўпаймоқда, уларда кўтарилаётган масалалар давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва унинг институтларини ислоҳ этиш ҳамда демократлаштириш, ривожлантириш жараёни муқаррарлик касб этганидан далолат беради. Унинг турли жиҳатлари бўйича Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ҳудудларда 1,3 мингдан ортиқ тадбир, шунингдек, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган икки юзга яқин давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди. Миллий ва чет эллик шериклар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиш ҳамда улар бўйича таклифлар ишлаб чиқишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини очиб беришга оид ўн битта халқаро конференция, давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, конференциядаги ҳар томонлама муҳокама ва фикрлар алмашиш давомида аҳоли, жумладан ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари ва фаолларнинг ҳуқуқий билим даражаси, сиёсий маданиятини ошириш, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш муҳимлигини тушунтириш ишларини янада яхшилаш талаб этилаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтига фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга монелик қилаётган омилларни комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг аҳволига оид йиллик миллий маърузалар тайёрлашни амалиётга жорий этиш тавсия этилди.

Конференция якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди, улар фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатаётган миллий институтлар ишида эътиборга олинади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.



Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика ахборот-ресурс марказининг китоб фонди қарийб 88 мингтани ташкил этади. Бу ердаги бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, ўқув-методик адабиётларнинг электрон ресурси шакллантирилиб, интернет тармоғидан самарали фойдаланиш имконияти яратилган.

Мазкур ахборот-ресурс маркази раҳбари Зулфия Сейтниёзованинг айтишича, аҳолини, айниқса, ёшларни китобхонликка жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказ қошида болалар ва ўсмирлар учун бадиий ижод ва амалий санъат йўналишларида тўгараклар очилган.

Суратда: (ўртада) Ахборот-ресурс маркази ходими Ойсулув Омонгалиева китобхонлар Оразали Бозорбоев ва Ҳурлиман Избосканова билан.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган сурат

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ «Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) Сурхондарё вилоят дирекциясининг 2013 йил 13 мартдаги 13-АФ-сонли буйруғига асосан «Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) Сурхондарё вилоят дирекциясининг балансида бўлган, Термиз шаҳар, М.Қашқарий кўчаси 36-«А» уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

ШЕВРОЛЕНИВАAL21L30 русумли, д/р 19 AG 087 бўлган, 2006 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 4 405 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 19 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 17 апрел куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2013 йил 19 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 26 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 24 апрел.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ «Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) Сурхондарё вилоят дирекциясининг 2012 йил 10 декабрдаги 48-АФ-сонли буйруғига асосан «Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) Сурхондарё вилоят дирекциясининг балансида бўлган, Термиз шаҳар, М.Қашқарий кўчаси 36-«А» уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

ВАЗ 2107 русумли, д/р 19 АА 658 бўлган, 1995 й и/ч, таъмир талаб автомашина. **Б/б 1 571 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 29 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 27 март куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2013 йил 29 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 5 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 3 апрел.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000504941294001, МФО 01326, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

Телефон: (8-376) 227-57-94,

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Бўстонлиқ туманидаги «Golden Wing» корхонаси жамоаси



Ўзбекистон халқини
Наврўз байрами билан самимий
қутлаб, барча-барчага тинчлик-
хотиржамлик, сиҳат-
саломатлик, дастурхонларига
файзу барака тилайди.

Тошкент вилояти Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси



Меҳнаткаш халқимиз ва соҳа ходимларини чин дилдан муборакбод этади.
Хонадонингизга қут-барака, оилангизга сиҳат-саломатлик тилайди.
Фидойи ва заҳматкаш инсонларимиз қалбидан кўклам қувончи ва байрамона кайфият аримасин!
Мустақил диёримизга кўз тегмасин, янада гуллаб-яшнайверсин!

Кўргазма





САНЪАТИМИЗ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси, таниқли хаттот Салимжон Бадалбоевнинг «Ватан мадҳи» деб номланган кўргазмаси очилди. Кўргазмага ташриф буюрган 1-Республика тиббиёт коллежининг юз нафар ўқитувчи ва ўқувчилари ижодкорнинг олтмишдан зиёд хаттотликка оид асарлари билан танишишди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон халқ рассомлари А.Мирзаев, Б.Жалолов ва бошқалар юртимизда нодир қўлёзмалар ва хаттотлик намуналарини асрашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу санъат Шарқ халқларининг узоқ асрлик маданий-тарихий меросида алоҳида ўрин эгаллаганлиги натижаси эканлигини алоҳида таъкидлашди. Салимжон Бадалбоевнинг ана шундай қадимий анъаналарни давом эттириб келаётгани, унинг хаттотлик йўналишида яратган асарлари миллий ва халқаро танловларда совринли ўринларга сазовор бўлгани эътироф этилди.

— Кўргазмага қўйилган асарлар биз ўқувчиларда катта таассурот қолдирди, — дейди 1-Республика тиббиёт коллежи ўқувчиси Лайло Шорасулова. — Уларни кузатар экансиз, ранг-баранг санъат мўъжизаларидан беихтиёр ҳайратга тушиб, ўзингизни бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис этасиз. Бундай ноёб дурдоналарни яратган инсонга ҳавас қилмай иложингиз йўқ.

— Таниқли хаттотлар бизга бу санъат турининг мураккаб қирралари ҳақида маълумот беришди. Амин бўлдикки, энг аввало, хаттотлик биз ёшларни ижодкорликка, миллий санъатимиз дурдоналари, қадриятларимизга ҳурмат ва фахрланиш туйғусини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди, — дея суҳбатга қўшилади Гулжаҳон Мамаражабова ва Ирода Мелиева. — Кўргазмага бизнинг ташрифимизни уюштирган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Маҳорат ва қалб меҳри билан ёзилган хаттотлик намуналари кўнглимизга ўзгача туйғуларни олиб кирди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Наврўз

ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

Наврўз — кўҳна байрамлар сирасига киради. У 2500 йиллик тарихга эга. Табиат қонунига кўра, Ернинг шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кундан ёзги Қуёш турғунлигигача, яъни кундузи энг узун, кечаси энг қисқа кунгача давом этади. Бу 20-21 мартдан 21-22 июнгача бўлган фурсатдир. Айтишларича, баҳорнинг ўша «биринчи куни»да ер остида ётган илонлар ҳам бир ағдарилиб олар эмиш. Бу чиндан табиатнинг, она ер бағридаги жами махлуқот ва мавжудотнинг уйғониш, жонланиш давридир.

Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи деб саналган Фарвардин ойи тўғрисида сўзлаб: «Бу ойнинг биринчи куни наврўздир», — дейди. Улуғ бобомиз ўз асарида Наврўзнинг борлиқ қонуниятига мувофиқ ҳолатини асослабгина қолмай, у билан боғлиқ бўлган турли маълумот ва ақидаларни ҳам баён этади. XI асрнинг улуғ тилшунос алломаси Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида ўн икки мучал йиллари, ойлар, ҳафта ва кунлар тўғрисида, Наврўз ҳақида турли маълумотлар бериб, баҳорги ва Наврўз байрамига бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтиради. Фирдавсий эса ўзининг «Шоҳнома» асарида Наврўзни ярим афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди: «Жамшид темир эритиб қурол ясашни, ип йигириб, тўқиб, кийим тикишни, уй, ҳаммомлар қуришни ихтиро қилади, сўнг кишиларни ўз қобилияти ва ҳунарига қараб гуруҳ, табақаларга ажратади. Ниҳоят, бир куни тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилади. Бу янги йилнинг биринчи куни эди. Ҳамма жуда бахтиёр, ғам-у андуҳни унутиб, шу куни барча Жамшидни табриклайди ва бу байрам янги йил боши бўлиб, анъанага айланиб қолади». Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» китобида ёзилишича, Наврўз байрами ўтказишнинг махсус қоидаси бўлган. Алишер Навоий ҳам «Тарихи мулки Ажам» асарида Наврўз байрами ҳақида сўз юритади.

Юртбошимиз саъй-ҳаракати натижасида, Наврўз умумхалқ байрами сифатида расман нишонланадиган бўлди. Шу тариқа Наврўз қайта туғилди.

Азалдан Наврўз байрами арафасида ўзаро низоларга барҳам берилган, одамлар ота-оналари, бобо-момолари, қариндош-уруғлари, касалманд ва ўзгалар ёрдамига муҳтожларни совға-саломлар билан йўқлаганлар. Уй-жой, маҳалла-қишлоқлар, кўча ва майдонлар тозаланиб, яхши ниятда турли кўчатлар экилган, кўкатлардан таомлар пиширилиб, дастурхонга тортилган. Наврўз байрамининг бошланишидан бир неча кун илгари тайёргарлик кўрилган. Жумладан, баҳорнинг илоҳий қуввати ҳисобланган сумалак сайли учун тегишли тадбирлар амалга оширилган. Одатда Наврўз байрамидан 12-15 кун олдин буғдой ёки арпа уруғи ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан Наврўз байрами кунлари сумалак пиширилган.

Наврўз бир қатор давлатларда байрам сифатида нишонланади. Хитой, Озарбайжон, Албания, Грузия, Афғонистон, Босния ва Герцеговина, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия каби мамлакатлар шулар жумласидан.

Эронда байрам Қуръон тиловати билан бошланади. Шундан сўнг оиланинг кенжа вакиллари ёши улуғларни Янги йил билан табриклаб, эзгу тилаклар билдиришади. Аёллар йиғилган меҳмонларни ширинликлар билан сийлайдилар, оила бошлиғи эса тўпланганларнинг ҳар бирига «эйди» (совға) ҳамда имкониятига қараб пул тарқатади. Ҳудди мана шу вақтдан бошлаб янги кун кириб келган ҳисобланади.

Қозоғистон ва Қирғизистонда 21 март арафасида ёвуз руҳларни қувиб чиқариш мақсадида уйдаги ҳамма хоналарга қуритилган арча шохлари тутатиб чиқилади. Наврўз билан боғлиқ бўлган барча уй юмушлари (хоналарни тартибга келтириш, байрам дастурхонига турли ноз-неъматлар пишириш, хоналарни олма ва анор шохлари билан безатиш) байрам кунига қадар якунига етказилади.

Тожикистонда оила бошлиғи эрта тонгдан ўзининг ўғиллари билан байрам дастурхонига кабоб ҳамда палов пиширишга киришади. Таом қай даражада мазали чиқса, йил шунчалик «ширин» кечади деб ишонишади. Айрим тоғли ҳудудларда эса, ғаройиб бир анъана мавжуд. Байрам кириб келиши арафасида ёш йигитлар қизи бўй етган хонадон оғилини чиннидай қилиб тозалашга ҳаракат қилишади. Йигитларнинг меҳнати уй соҳибига ёқса, улар ширин таомлар билан сийланадилар, мабодо аксинча бўлса, ёшларнинг ўзи хонадон соҳибини меҳмон қилишга мажбур бўладилар.

Бутун дунёда нишонланадиган Янги йилдан фарқли ўлароқ мусулмонлар Наврўз айёмини эрта тонгдан нишонлайдилар. Байрам дастурхонида «Син» ҳарфидан бошланадиган еттита ноз-неъмат бўлиши шарт ҳисобланади: сабзи, себ (олма), сир (саримсоқ), сумах (барбарис), сирко (сирка), сипанд (қўкатлар), сонжит (зайтун). Бошқирдистонда эса маҳалла кенгаши томонидан сайлаб қўйилган байрам ташкилотчиси бир гуруҳ ёш йигитлар билан қишлоқдаги барча ҳовлиларни айланиб чиқади. Улар хонадон соҳибларини тадбиркорлиги ва сахийлиги учун мақтаб, эзгу тилаклар билдиришгач, уй эгалари йигитларга турли ноз-неъмат ва кийим-кечакларни совға қиладилар. Янги йил байрами куни бу юртда югуриш, рақс ва қўшиқ айтиш бўйича бир-биридан қизиқ мусобақалар ўтказилади.

Наврўз байрами билан боғлиқ энг қизиқ иримлар Қурдистон, Эрон ва Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилувчи айрим қавмларда сақланиб қолган. Бу ўлкаларда байрам дастурхонига албатта кўзгу қўйилади (кўзгу ўтмишни акс эттириб, келажакни кўрсатади деган ишонч мавжуд). Дастурхонга, шунингдек, шам (ёруғлик рамзи) ва балиқ солинган идиш (бахтли ҳаёт тимсоли) қўйилади. Шу ўринда яна бир маълумотни ҳам келтириб ўтишни жоиз деб билдик. 2010 йилнинг 19 февралида ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 64-сессиясида «Жаҳон халқлари маданияти» ҳужжатининг 49-бандига асосан қабул қилинган резолюцияга кўра, 21 март — Халқаро Наврўз куни деб эълон қилинди.

Гулчеҳра САЙДУЛЛАЕВА,
ЎзМУ қошидаги 2-академик лицей
ўқитувчиси

СПОРТ

Велоспорт

БИР ЙЎЛА ИККИ ОЛТИН!



Деҳли шаҳрида (Ҳиндистон) ташкил этилган Осиё чемпионатида велоспортчимиз, Лондон Олимпиадаси иштирокчиси — Муроджон Холмуродов ғалаба нашидасини сурди.

40 км. масофага велошоссе бўйича ўтказилган беллашувда чемпионлик учун кураш асосан уч спортчи — Муроджон Холмуродов, қирғизистонлик тўрт карра Осиё чемпиони Евгений Вакер ва 2010 йилги Осиё чемпионати ғолиби қозоғистонлик Андрей Мизуров ўртасида кечди. Вакилимиз белгиланган масофани 51 дақиқаю 51 сонияда босиб ўтиб, қитъа чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. У икки йил олдин кумуш медал билан кифояланганди.

Муроджон бундан ташқари, 156,2 километрлик якуний пойгада ҳам маррага биринчи бўлиб келди. Вакилимиз бу масофани 3 соату 33 дақиқада босиб ўтди.

Футбол

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ



Ўзбекистон миллий терма жамоаси «Осиё кубоги — 2015» ва «Жаҳон чемпионати — 2014» саралаш босқичидаги навбатдаги ўйинларга тайёргарликни бошлади.

Миржалол Қосимов қўл остидаги жамоамиз 22 март куни «Осиё кубоги — 2015» саралаш баҳслари доирасида БАА терма жамоаси меҳмони бўлади. Орадан тўрт кун ўтиб, 26 март куни эса Тошкентда «Жаҳон чемпионати — 2014» йўлланмаси учун Ливан терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Миржалол Қосимов БАА ва Ливан терма жамоалари билан бўладиган ўйинларга жами 23 футболчини жалб этди. Уларнинг ўнтаси — Осиё ва Европа клубларида тўп сураётган легионерлар. Терма жамоага жалб этилган энг ёш футболчи — юртимиз ёшлар терма жамоаси ва Тошкентнинг «Пахтакор» клуби ҳимоячиси Владимир Козакдир.

Миллий терма жамоамизга чақирилган футболчилар рўйхати қуйидагича:


Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров («Бунёдкор»), Муроджон Зуҳуров («Бунёдкор»), Сардор Қобулжонов («Бухоро»).

Ҳимоячилар: Виталий Денисов («Локомотив», Россия), Акмал Шораҳмедов («Бунёдкор»), Артём Филипосян («Бунёдкор»), Шоҳруҳ Гадоев («Насаф»), Ислом Иномов («Локомотив»), Анзур Исмоилов («Чангчун Ятаи», Хитой), Шавкат Муллажонов («Лиаонинг», Хитой), Владимир Козак («Пахтакор»).

Ярим ҳимоячилар: Олег Зотеев («Бунёдкор»), Фозил Мусаев («Бунёдкор»), Санжар Турсунов («Локомотив»), Темур Кападзе («Актобе», Қозоғистон), Жасур Ҳасанов («Бунёдкор»), Жасур Ҳасанов («Локомотив»), Одил Аҳмедов («Анжи», Россия), Азиз Ҳайдаров («Аш-Шабоб», БАА), Сервер Жепаров («Сёнгнам», Жанубий Корея).

Ҳужумчилар: Марат Бикмаев («Актобе», Қозоғистон), Улуғбек Бақоев («Иртиш», Қозоғистон), Александр Гейнрих («Актобе», Қозоғистон).

Қиличбозлик



МАЛИКА — ОСИЁ «МАЛИКАСИ»

Бангкок шаҳрида (Таиланд) қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида якунланган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз олтин ва бронза медалларини қўлга киритди.

Турнирда қитъамизнинг 35 давлатидан келган спортчилар қиличбозликнинг турли йўналишларида беллашдилар. Қизлар ўртасида шпагада ўтказилган беллашувларда вакиламиз Малика Ҳакимова Хитой Тайпейи вакиласи Яфанг Ченни 15:13, австралиялик Александра Хюгесни 15:7, хитойлик Нуо Ксюни 15:14 ҳисобида енгиб, финалга йўл олди. Ҳал қилувчи баҳсда ливанлик Доминика Танноусдан 15:13 ҳисобида устун келган Малика Ҳакимова шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди.

Шпага бўйича жамоавий беллашувларда қатнашган Темурбек Абдувалиев, Абдулбосит Носириддинов, Жавоҳир Нурматов, Владислав Тихомоловдан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси Камбоджани 45:26 ва Сингапурни 38:33 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чемпионатнинг бронза медалига эга чиқдилар.

Бокс

БЎШ КЕЛИШМАДИ



Филиппинда бокс бўйича ёшлар ўртасида якунланган V Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси бир олтин, тўрт кумуш, икки бронза, жами еттита медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақада қитъамизнинг йигирмадан зиёд давлатидан 130 га яқин «чарм қўлқоп устаси» ўн вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.

Боксчимиз Ойбек Шарипов (91 кг.) ярим финалда Сайидсин Чаленбанди (Эрон) 22:15, финал беллашувида эса Қозоғистон чемпиони Ойбек Эрметов устидан 16:12 ҳисобида зафар қучиб, терма жамоамиз ғазнасига олтин медал қўшиб қўйди.

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Акмалбек Қосимов (75 кг.гача), жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори Исроил Мадраимов (69 кг.гача), мамлакатимиз чемпиони Улуғбек Мубинов (91 кг.дан юқори вазнда) ва Миразизбек Мирзахалилов (52 кг.гача) шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Ёш умидли боксчиларимиздан Нурсултон Нишонбоев (56 кг.гача) ва Анвар Туропов (64 кг.гача) бу гал чемпионатнинг бронза медаллари билан кифояландилар.

Эшкак эшиш



ТИНИБ-ТИНЧИМАГАНЛАР

Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича юртимиз қишки чемпионати якунига етди. Мусобақада вилоятлар ва пойтахтдан 130 дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон «Rowing & canoe» федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада спортчилар 500 метр, бир, икки ва беш километрга эшкак эшиш бўйича яккалик беллашувларида куч синашди.

Эркаклар ўртасида Алексей Мочалов байдаркада эшкак эшиш бўйича учта, Вилям Иброҳимов битта олтин медални қўлга киритди. Вячеслав Горн учта кумуш ва бир бронза медал билан тақдирланди. Александр Тропин биттадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди. Сергей Борзов икки марта маррага учинчи бўлиб келди. Каноэда эшкак эшиш бўйича Герасим Кочнев тўрт масофада олтин медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида байдаркада эшкак эшиш бўйича Екатерина Шубина иккита, Виктория Осокина ва Мария Горн биттадан олтин медални қўлга киритди. Каноэда эшкак эшиш баҳсларида София Емелянова икки маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, чемпионатда Дилшод Йўлдошев, Элдор Қаюмов, Мирзиёд Ҳожиев, Екатерина Заркова, Дилноза Раҳматова ва Олга Умаралиева сингари спортчилар ҳам совриндор бўлдилар.

Уч кун давом этган мусобақа шу йилнинг кузида Самарқандда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларни саралаб берди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Утганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси «КВАРЦ» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Ҳасановга волидаи муҳтарамаси

ПАТИЛА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг мурожаатларини телефон орқали қабул қилиш ва уларга тегишли маслаҳатлар бериш мақсадида «Ишонч телефони» ташкил қилинди. Шунингдек, Марказий кенгаш мамлакатимизда фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлашни ҳам мақсад қилиб қўйган. Фермерлар «Ишонч телефони» орқали ўз фаолиятлари давомида дуч келаётган муаммолар ечимини топишлари, турли соҳалардаги ўзларини қизиқтирган саволларга касаба уюшмаларининг малакали мутахассисларидан тўлиқ жавоб олишлари мумкин.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг «Ишонч телефони» рақами (8-371) 256-78-48. Бизга қўнғироқ қилинг!

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Навбаҳор туман ҳокимлигининг 27.12.2012 йилдаги № 01/619-сонли хатига асосан, Навбаҳор туман «Бешрабод» қўрғонида сақланаётган, «Эсперо» русумли, д/р 85 501 ААА бўлган, 1998 йил ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 040 740 сўм.

Савдо 2013 йил 4 апрел куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 2 апрел куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2013 йил 4 апрелдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2013 йил 12 апрел соат 15:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 10 апрел куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий ф-лидаги: 20208000704943164001, МФО: 00205, ИНН: 302132768 ҳ/рга тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8-436) 224-64-31. Гувоҳнома:1605. www.rmm.uz

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 22. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 311 21711 nusxada bosildi 1 2 3 4 5

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 21-mart, payshanba № 34-35 (3228)

Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ислом КАРИМОВ

БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз айёмини «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!» деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

«Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?», деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳангдир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, қут-барака ва мурувват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона Янги йилимизни — бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланиб кетган қадриятлар — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, қўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севги ва ҳурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

«Обод турмуш» деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш заҳридан толиққан замин баҳор насимидан энтикади. Шарқираб оққан сувлар унга яна ҳаёт бахш этади. Дарахтлар сулув келинчаклардек бошига яшил гулчамбар тақади. Қиру адирларда майсалар бўй чўзади. Мусаффо осмон узра чарақлаб чиққан қуёш кўнгилларни-да ёриштириб юборади.

Бундай фараҳбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади.

Ана шу табиий эҳтиёжнинг, эзгу хоҳиш-истакнинг ҳосиласи бўлиб юртимизга Наврўз кириб келди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай садолари янграмоқда. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамларнинг юз-кўзларида шодумонлик. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, ўйинқароқ болакайлар, баҳордек латофатли қизжувонлар, оташқалб йигитлар Наврўз сайлига ошиқади...

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдон атрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган сўрилар, қўшайвонлар халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак бу манзилларга ободлик ва фаровонлик белгиси — обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида улкан мониторларда юртимиз манзаралари — ям-яшил боғлар, бепоён далалар, замонавий иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Майдонга Обод турмуш маҳалласи фаоллари чиқиб келади. Наврўз байрамини аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, маҳаллани янада обод ва кўркам этган ҳолда кутиб олиш борасида кенгашади.

(Давоми 2-саҳифада).

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Наманган шаҳар марказий болалар шифохонаси жамоаси муассаса ҳудудида катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширди. Байрам арафасида шифохона ходимлари 70 тупдан зиёд манзарали дарахт кўчати ўтказишди.

ҚУВОНЧ БОИСИ

Шифохонанинг умумий майдони 40500 метр квадратдан иборат. Бу ерда иссиқхона ташкил этилган бўлиб, турли гул кўчатлари, помидор ва бошқа резаворлар етиштирилмоқда.

Жамоанинг байрам дастурхонини баҳорий таомлар билан бирга ўз меҳнатлари маҳсули ҳам безагани янада қувончли бўлди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

ТУҲФА

Наврўз арафасида янги иморатларни фойдаланишга топшириш анъанаси Хоразм воҳасидаги тантаналарга янада кўтаринкилик бағишлади.

Боғот туманида «Ашхобод» ҳамда «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғинларининг бинолари, Урганч туманида янгидан қуриб битказилган «Аббосбек» хусусий дорихонаси, «Шердор» тўйхонаси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Қўшкўпир тумани «Янгилик» қишлоғида «Янги Қўшкўпир» хусусий корхонасига қарашли бино, Янгибозор тумани Каттабоғ қишлоғида савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади.

М. ТЎРАБОЕВА

Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ ва маҳаллалар ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва янги боғлар барпо этиш мақсадида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда.

КЎРКАМ, ФАЙЗЛИ

— Вилоятда 712 маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Ўрол Абдураззоқов. — Кўкаламзорлаштириш тадбирлари маҳаллаларни кўркам, файзли масканларга айлантиришга хизмат қилади. Айни пайтда ўнга яқин турдаги мевали дарахт кўчатлари маҳалла идоралари атрофидаги бўш ерлар, намунавий лойиҳа асосида барпо этилган янги турар-жой массивлари атрофига экилмоқда. Кўчатларни ўтказишда уларнинг ҳудудларга мослашувчанлиги ва мўл ҳосил беришига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Сурхондарё вилоятида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ойлигини юқори савияда ўтказиш учун катта ҳозирлик кўрилди. Вилоят ўрмон хўжалиги ишчилари мавсум учун уч миллион донага яқин 30 турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрлади. Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йил ташкилот ва корхоналар атрофи, кўча бўйлари ва хиёбонларга 8 минг 500 тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган. Шу кунгача жойларда етти минг тупга яқин кўчат ўтказилди.

ЎзА

Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган ҳозирги кунларда Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

ХАЙРЛИ АКЦИЯЛАР

Вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги ташкилот ва корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда маҳаллаларда мевали ва манзарали дарахтлар экиш, мавжудларига шакл бериш, оқлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, кўчалар, майдонлар, хиёбонларни тартибга келтириш ишлари давом этмоқда. Ёлғиз кекса ва ноғиронлар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда.

Ойлик доирасида Оҳангарон туманидаги Саховат уйида «Қариялар эъзозда» ва «Кўчат экайлик» акциялари ўтказилди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» муассасаси ҳамда Оҳангарон тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, турли касб эгалари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Саховат уйида яшовчи кишиларга байрам совғалари тақдим этилди. Бу ерда ташкил этилаётган ижтимоий масъул фуқаролар боғига минг тупдан ортиқ дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

Ishonch
2013-yil 21-mart № 34-35 (3228)



БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам Йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди.

Байрам кунларида серғайрат ёшлар, қўли очиқ тадбиркорлар кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам берди. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинди.

Кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган, юртимиздаги барча маҳаллада қарор топган бундай ҳамжиҳатлик муҳити Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараларидандир.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалла идорасининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни кучайтириш, пировардида, ҳаётимизни янада обод қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

...Саҳнага – майдонга жажжи болакайлар кириб келади, ҳар тараф шўх-шодон кулгуга тўлади. Улар ижросидаги бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг бегубор ва қувноқ ҳаётини тараннум этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ бағишлайди...

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намоён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Бу Франциядаги «Инссад» халқаро бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида ҳам ўз ифодасини топди. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади.

Ёшларимиз энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мамлакатимиз спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг «Fair Play» (ҳалол ўйин) совриниг билан тақдирлангани Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро микёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тинч-осойишта элда хурсандчилик, тўй-томоша бўлади, ҳаловатли халққа байрамлар ярашади. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда.







Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликларни, таназзулни кўриб, ушбу нақл ҳикматини янада чуқурроқ англаймиз. Шундай тинч, осуда, фаровон юртда яшаётганимизга шукроналар айтамиз.

Тинчлик барқарор юртда қут-барака, ривожланиш бўлади. Буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасида 2012 йилда Ўзбекистон аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди. Аҳоли даромадлари миқдори 17,5 фоизга кўпайди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилаётган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йилда ушбу мақсадга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб бир миллион янги иш ўрни ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Хусусан, жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу оилалар фаровонлигини, маҳаллалар ободлигини, ёшларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу сектор жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омилига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Бу жиҳатлар 2012 йил 14 сентябр куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференцияда хорижлик ишбилармонлар, етакчи экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўз арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилади. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Наврўздан Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида улкан ишлар амалга оширилди. Йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди.

Самарқанд вилоятида Германиянинг «МАН» компанияси билан ҳамкорликда юк автомобили ишлаб чиқариладиган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Сурғил кони базасида дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Қашқадарё вилоятида Жанубий Африканинг «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишга киришилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2012 йилда Ўзбекистонда барча қишлоқ хўжалиги экинлари — ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани бундай юксак натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос турлари жадал ривожланмоқда. Жумладан, 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

— Ўзбекистонда баҳор байрами — Наврўзни тўртинчи марта кутиб олаётганимдан мамнунман, — дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. — Ҳар йили ушбу айёмда тайёрланадиган сумалакни бажонидил тановул қиламан. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этаман, тинчлик, бахт-саодат тилайман!

— Наврўз — ўзига хос ноёб, ажойиб байрам, — дейди Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, давлат ва жамоат арбоблари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини катта қувонч билан мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан далолатдир.

Наврўз байрамини хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан кутиб олиш ва ўтказиш халқимизнинг эзгу фазилатларидандир. Бу кунларда халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-кўпкари, кураш, мерганлик, қўчқор ва хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим, кўксомса каби хилмахил баҳорий таомлар пиширилган.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

«Art Week Style.uz — 2012» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилган «Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ/2012» халқаро театр фестивали, VI халқаро Тошкент фотобиенналеси каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнерлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилди.

2012 йилда Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини нишонладик.

Обод турмуш йили арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги бундай ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 мингта якка тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётидан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Каттаю кичикнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқараши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Фарғона вилояти Бешариқ туманида яшовчи меҳнат фахрийси Комилабиби Худойназарова. — Мисли кўрилмаган бу ютуқлар, бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дориломон кунларга етганимизга шукроналар айтамиз. Илоҳим, юртимиз тинч, ҳаётимиз обод, халқимиз фаровон бўлсин.

Бахтли яшашнинг омилларидан бири саломатликдир. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг ана шундай бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган Кардиожарроҳлик мажмуасининг очилиши аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Жорий йилда ҳам обод турмушнинг муҳим шарти сифатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак — минг дардга даво тансиқ таом. Кўпчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳиллиқдан тотли бўлган неъмат. Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқозонларда сумалак пиширади. Кўни-қўшни, маҳалла-кўйга тарқатади. Бу танларга қувват, руҳга тиниқлик бағишлайди. Ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимизни, эзгу интилишларни ифодалайди. Шўх-шодон болакайлар «Сумалак» қўшиғини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини ижро этадилар.

Майдон узра таралган мусиқий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, ёшлик, севги ва вафо тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
Ўзбекистон овози мухбири.

С.ЎРМОНОВ ва А. АБДУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган суратлар



Ishonch
2013-yil 21-mart № 34-35 (3228)

Бир фармон шарофати

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига ҳадемай тўрт йил тўлади. Ўтган вақт оралиғида бир талай янги кўрғонлар, замонавий турар-жой бинолари барпо этилди. Жумладан, Самарқанд вилояти бўйича дастлаб уч туманда янги уйлар қуришга киришилган бўлса, кейинчалик барча шаҳар ва туманларда муҳташам иморатлар тикланди.



ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ КЎПАЯДИ

Қўшработда Қиличбой ака деган қадрдоним бор. Бир гал учрашганимизда, қўлимдан тутиб қўрғоннинг энг баланд нуқтасига олиб чиқди ва катта йўл томонда бўғотлари ол рангда товланаётган иморатларга ишора қилди.

— Шу уйларнинг бири ўғлимники, — деди ғурурланиб. — Энди набирарим ҳар жиҳатдан қулай, замонавий уйда яшайдиган бўлишди.

Қиличбой ака бир зум ўйга чўмди.

— Шова қишлоғидаги гуваладан қурилган уйда яшаб ўтдик. Шукр, бизданкўра болаларнинг толеи баланд чиқди. Бу уйларда барча шароит мужассам. Кампиримнинг сира кетгиси келмай қолди-да....

Хуллас, янги гўшалардан кўнгли тўлганлар оз эмас. Ҳудуд қишлоқларида бу йил яна бир минг эллик хонадонда ҳовли тўйлари ўтади. Янги лойиҳа асосидаги уйларда ҳамма шароит ҳисобга олинган. «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки Самарқанд минтақавий филиали бошлиғи ўринбосари Шерзод Сувонқулов шундай дейди.

— Юртбошимизнинг 2012 йил 14 январдаги «2012 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори бунёдкорлик ишлари кўламини янада кенгайтириб юборди. Осиё тараққиёт банки билан имзоланган битимга мувофиқ «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» кўп транши дастури асосида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» орқали мазкур ишлар молиялаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси, шарт-шароитини яхшилаш, аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси, ижтимоий инфратузилмасини такомиллаштириш, намунавий лойиҳалар бўйича қурилиш ишларини кўпайтиришга асос бор. Қишлоқда ташкил этган бўлса, эндиликда бу муддат бир йилга узайтирилди.Илгарилари кредит олишда биргаликдаги қарздорлар тоифасига фақат оила аъзолари қайд этиларди.Энди эса доимий иш ўрни ва даромад манбаига эга ҳар қандай фуқаро ихтиёрий равишда шерик қарздор сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисол келтирсам. Айтайлик, ёш оила уйга талабгор. Даромади ҳисобланаётганда уларнинг маблағи кредит фоизи ва асосий суммани қайтаришга етмайди. Ана шунда биргаликда қарз олувчилар моддий ёрдамидан фойдаланилса бўлади. Яна бир жиҳатни эътироф этиш даркор.-шки муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари ривожига тамал тоши қўйилди, десак бўлади.

— Бунёдкорлик ишларида қанча қурилиш ташкилотлари иштирок этмоқда?

— Айни пайт намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган уй-жойлар тикланишида тўқсонга яқин қурилиш ташкилотлари қатнашяпти. Амалга оширилаётган ишлар «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси орқали тўла молиялаштирилаётир.

— Банк кредитларидан фойдаланишда қандай имтиёзлар жорий этилган?

— Намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар учун фуқароларга кредит ажратиш механизмлари такомиллаштирилиб, белгиланган имтиёзлар микдори кўпайди. Жумладан, шу чоққача кредитни қайтаришда имтиёзли давр олти ойни ташкил этган бўлса, эндиликда бу муддат бир йилга узайтирилди.Илгарилари кредит олишда биргаликдаги қарздорлар тоифасига фақат оила аъзолари қайд этиларди.Энди эса доимий иш ўрни ва даромад манбаига эга ҳар қандай фуқаро ихтиёрий равишда шерик қарздор сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисол келтирсам. Айтайлик, ёш оила уйга талабгор. Даромади ҳисобланаётганда уларнинг маблағи кредит фоизи ва асосий суммани қайтаришга етмайди. Ана шунда биргаликда қарз олувчилар моддий ёрдамидан фойдаланилса бўлади. Яна бир жиҳатни эътироф этиш даркор.-Банк кредити ҳисобига қишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида якка тартибда уй-жой қураётган жисмоний шахснинг ипотека кредити ва унга ҳисобланган фоизлар сўндирилиши учун йўналтирилган иш ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар суммаси даромад солиғига тортилмайди.

Янги уй, янги режа, орзу-ҳаваслар қанот ёймоқда. Кўклам насими кезаётган шу кунларда 25 та массивда замонавий уйлар қурилиши жадал олиб бориляпти. «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ вилоят филиали томонидан 1050 та уй-жой қурилиши учун 83,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Масъул ташкилотчи минбари

Касаба уюшмалари фаолиятида рўй бераётган туб ўзгаришлар, айниқса, такомиллаштириш жараёни меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу эса ҳар бир касаба уюшма ташкилотидан фаолликни оширишни талаб этади.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Биз ҳам янгиланган иш жараёнини ташкил этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгилаб олдик. Жумладан, тармоқ ташкилотларимизда «Фермерлар кенгашлари ва касаба уюшмаси: ҳамкорлик, муштарак мақсад ва вазифалар» мавзуида семинар ўтказилди. Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман кенгашлари ва бирлашган касаба уюшма қўмиталари ходимлари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда бўлимлари вакиллари, бошқа тегишли ташкилотларнинг мутасаддилари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, жумладан, фермерлик ҳаракатини кучайтириш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қишлоқ жойларда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айнан шунга кўра, семинарда мўл-кўлчиликни таъминлашда нафақат фермер хўжаликлари, балки аҳоли ихтиёридаги шахсий томорқа ерларидан ҳам самарали фойдаланиш, деҳқонларни қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам бериш ҳақида батафсил фикр юритилди.

Вилоятда тармоқ ходимларини қамраб олган 340 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, улар ўз атрофига 110608 нафар аъзони бирлаштирган. Тизимнинг 3738 та фермер хўжалигида 72349 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Бу жуда катта куч. Зеро, ишга омилкорлик билан ёндашишга кўп нарса боғлиқ.

Семинарда сўз олган «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Азим Латипов ўз хўжалигида жамоа шартномаси асосида меҳнат аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муваффақият омили бўлаётганини эътироф этди. Шунингдек, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходими Т. Ниёзов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси молия бўлими мудири Б. Баҳромов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Н. Пўлатов ва бир қатор туман кенгашлари раислари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Пировардида амалга оширилган ишларга якун ясалиб, янги вазифалар белгилаб олинди.

Абдусалом РАҲМОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Орамиздаги одамлар

Феруза шифокорлар оиласида дунёга келди. Беш ёшида «Алифбе»даги барча ҳарфларни ўрганиб, сўзларни бемалол ўқийдиган бўлди. Олти ёшида мактабга борди. Ўткир зеҳни билан устозлари меҳрини қозонди. «Бу қиз қайси соҳани танламасин, шу ғайрати бўлса, ундан яхши мутахассис чиқади», дейишарди улар.



ФАОЛ ЕТАКЧИ ВА ОҚИЛА БЕКА

Қаршидаги педагогика билим юртини тугатган Феруза, ўзи ўқиган 7-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бера бошлади. Сўнгра Низомий номидаги педагогика университетида ўқиб, касбий билим ва кўникмаларини бойитди.

У дарс жараёнида турли интерфаол усуллардан фойдаланди. Ёш муаллим, табиийки, жамоа ўртасида эътиборга тушди. Кўп ўтмай, ёш мутахассис директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлигига тайинланди.

Феруза масъулиятдан чўчимади. Тажрибали ўқитувчилардан билмаганларини сўради. Бошланғич синф ўқитувчилари билан ноанъанавий дарс ўтиш дастурларини ишлаб чиқиб, таълим самарадорлигини оширишга эътибор қаратди.

Қамаши туман халқ таълими бўлимига бошланғич таълим услубчиси лавозимига ишга ўтгач, ижодий ғоялар ва истиқболли тажрибаларни туман миқёсида қўллаш имконияти туғилди. Феруздаги шижоат, янгиликка интилувчанлик унга яна бир масъулиятли вазифани ишониб топшириш учун туртки бўлди. У туман халқ таълими бўлими касаба уюшма ташкилоти раислигига сайланди. Шунингдек, жамоатчилик асосида тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаш раиси ўринбосарлигини ҳам бажарди. Тажрибали касабақўм Юнус Эшбўриевдан соҳанинг паст-баландини ўрганди.

— Раҳматли Юнус ака ажойиб устоз эди, — дейди Ферузахон. — Ҳар бир педагогнинг муаммоларига имкон қадар ечим топишга ҳаракат қилар, ариза ва шикоятларни ўз ўрнида ижобий ҳал этишга эришарди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қамаши туман кенгаши раислигига номзодим кўрсатилганда «Юнус аканинг хайрли ишларини давом эттира оламанми?», деган савол қийнагани ҳам рост. Ахир, масъулиятли вазифани бажариш, кўпсонли педагоглар жамоаси ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ифода этиш осон иш эмас. Шундай паллада тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Шодмон ака Кубаев ўз кўмагини аямади. Йўл-йўриқ кўрсатди... Бундан ташқари, Қамаши туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Абдуғаффор Эшмуродов ҳам ходимлар учун жон койитадиган раҳбарлардан. Маслаҳат ва тавсияларини дариғ тутмади.

Тўғри англадингиз, Ферузахон Абдураҳмонова айни пайтда тармоқ касаба уюшмаси туман кенгашини бошқариб келяпти. Биз ундан 2012 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида сўрадик.

— Туманимизда 87 та мактаб, 14 та мактабгача таълим муассасаси бор, — деди у. — 2012 йилда педагогларнинг 188 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда дам олди. Айниқса, тармоғимизга қарашли «Зиё чашмалари» болалар оромгоҳида яратилган шарт-шароит болажонларни беҳад хушнуд этди. 48 нафар ходим турли сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқарди. Бундан ташқари, 45 нафар ходимни Самарқандга саёҳатга олиб бордик.

Ҳар бир йўналишда, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари ўртасида анъанавий спорт тадбирлари ташкил этдик. Байрамлар арафасида кам таъминланганларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Касаба уюшмаларининг аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш йўлидаги тарғибот-ташвиқот ишлари самара бераётгани ҳам қувонарли ҳол. Маҳаллалардаги томорқаларда бўш ер деярли қолмаяпти, ҳар бир гўшада ободлик манзаралари кўзга ташланади...

Ўқитувчи даврни даврга боғлайдиган, элга зиё тарқатадиган фидойи касб эгасидир. Шундай экан, уларга фаолият учун барча шароитларни яратиб бериш лозим, деб ўйлайман. Айнан шунга кўра ҳам аъзолик бадалларининг 60 фоизи бошланғич ташкилот ҳисобида қолиши, дам олишга кенг имконият яратилгани, қолаверса, сиҳатгоҳ йўлланмалари тўлови бўйича имтиёзларнинг янада ошганлиги эътирофга лойиқ янгилик бўлди.

Илгари нафақадаги фахрийлар сиҳатгоҳга йўлланма сўрашганда уялиб қолардик. Тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли эндиликда йўлланмадан ходимнинг яқинлари ҳам фойдаланиши, яъни, ходим йўлланма олиб, ота-онасини дам олдириши мумкин...

Ферузахон намунали оила бекаси ҳамдир. Икки фарзанди бор.

Бўш вақтларида пазандалик қилиб, ширин таомлар, турли пиширикдар тайёрлашни яхши кўради. Чеварликдан ҳам яхшигина хабари бор.

— Касаба уюшма ташкилоти вакили сифатида кимгадир ёрдамим тегиши менинг учун катта бахт. Бир оғиз «Раҳмат» сўзини эшитиш учун қўлимдан келган барча имкониятларни ишга соламан, — дейди қаҳрамонимиз.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

ЕЧИМГА ҲАМКОРЛИКДА ЭРИШИЛАДИ

Қадим-қадимдан ҳар қандай юмушни бамаслаҳат қилиш миллатимизнинг гўзал одатларидан саналади. Касаба уюшмалари тизимида анъанавий тус олаётган «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуидаги давра суҳбатларини ҳам кенгашли юмушлар қаторига қўшиш мумкин. Йиғин самараси ўлароқ муаммолар вақтида бартараф этилмоқда, режалар ҳамкорлик асосида тузилмоқда.

Шундай давра суҳбатларининг навбатдагиси Наманган вилоятида ўтказилди. Тадбирни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамова олиб борди.

Унда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов, вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Азизова, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, молия ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раҳбар ҳамда масъул ходимлари, Омбудсманнинг вилоятдаги вакили ҳамда касаба уюшма фаоллари иштирок этди. Тадбир қизғин ва жонли тарзда кечди. Муҳими, муайян соҳаларда учраётган муаммоларга шу ернинг ўзида ойдинлик киритилишига эришилди, айримларини ҳал этиш назоратга олинди.

* * *

Қуйида давра суҳбати иштирокчиларини қизиқтирган айрим масалаларни ҳукмингизга ҳавол этамиз:

Рустамжон Раҳматуллаев, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси:

— Маълумки, иш ўринларини шаҳодатлаш ходимнинг хавфсиз меҳнат қилиши, ижтимоий ҳимояси ҳамда имтиёзли пенсияга чиқиши гаровидир. Аммо вилоятдаги айрим тиббий муассасаларда шаҳодатлаш масаласи ортга суриб келинмоқда. Бу борада аъзоларимизга қандай амалий ёрдам кўрсатилиши мумкин?

Мазкур саволга Соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходими қуйидагича жавоб қайтарди:

— Уйчи, Поп, Чуст, Косонсой каби туманларда аттестациялаш ишлари ниҳоясига етказилди. Бошқа туманларда ҳам бу борадаги тадбирларни тезлаштиришга ҳаракат қиламиз.

— Навбатдаги саволим Ногинск тиббиёт билим юртининг вилоятдаги филиали билан боғлиқ. Кўпчиликнинг хабари бор: мазкур муассасани 1991 — 1994 йилларда 400 нафардан ортиқ киши тамомлаган. Улардан 160 нафари яқин кунларгача вилоятимиздаги турли тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган эди. Ўз даврида тегишли қонуний тартибларга амал қилмай фаолият юритганлиги сабабли тиббиёт билим юрти томонидан берилган дипломлар ўз кучини йўқотган деб топилди ва ўша 160 нафар ишловчи эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди. Бу борада ҳам самарали ҳамкорлик қилиб, мазкур ходимларнинг манфаатига мос ҳаракатларни амалга ошириш мумкинми?



Мазкур саволга вилоят ҳокими Б.Турсунов қуйидагича жавоб қайтарди:

— Ногинск тиббиёт билим юрти вилоят филиалини тамомлаганлар билан боғлиқ бу масала юзасидан тегишли республика ташкилотлари билан музокаралар олиб борилмоқда ва бу ҳаракатларга шахсан ўзимни масъул деб биламан. Бизнинг ҳам мақсадимиз ишловчилар манфаатини қонуний асосда ҳимоялаш.

Равшан Турсунов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Учқўрғон туман кенгаши раиси:

— Бугунги кунда барча фермер хўжаликлари касаба уюшмасига жалб этилган. Табиийки, хўжалик аъзоларининг ишлашидан тортиб дам олишигача касаба уюшма вакиллари ғамхўр ва хабардор бўлиши лозим. Аммо бир масала борки, бунга ҳокимлик даражасида кўмак керак. Ҳисоб-китоблардан маълум бўлдики, туманимиздаги 250 та фермер хўжалигидан 130 га яқинида шийпон бор, холос. Шийпони бўлмаган фермернинг ишчиси қаерда дам олади, қаерда овқат тайёрлаб, тушлик қилади? Шароит бўлмаган жойда иш унуми хусусида сўз бўлиши мумкинми?

Вилоят ҳокими Б.Турсунов:

— Дарҳақиқат, кўтарилган масала ўринли. Ҳамкорлик асосида бунинг ҳам тагига етса бўлади. Гап ходимлар ҳуқуқи ҳимоясига бориб тақалар экан, фермер қўл остида ишлаётганларга меҳнат дафтарчалари очиш масаласига касаба уюшма фаоллари жиддий ёндашиши керак. Мавсумдагина ишлаб, қолган пайт даромадсиз қолаётган кишиларнинг меҳнатига муносиб ҳақ олиш ва кейинчалик нафақага чиқиш ҳуқуқини шу орқалигина таъминлаш мумкин.

Нигора Абдураҳмонова, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгиқўрғон туман кенгаши раиси:

— Меҳнат кодексига биноан ходимлар тиббий кўрикдан ўтишда тегишли имтиёзга эга. Лекин ходимларимиз ҳанузгача кўрик жараёнида чиқимдор бўлишмоқда. Бу масалага қонун талаблари доирасида ёндашиш лозим.

Ваҳобжон Буваев, «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби:

— «Устоз-шогирд» усулида кўплаб ёшларга кулолчилик ҳунарини ўргатиб келмоқдаман. Ҳар бир нарса аниқ натижа ва иқтисодий кўмакка бориб тақалиши оддий ҳақиқат. Касаба уюшма маблағи билан «Устоз-шогирд» мактабида гул тувaклар ишлаб чиқаряпмиз. Шунингдек, биз яратган санъат асарларига ҳам эҳтиёж катта. Аммо уларнинг савдосида айрим муаммоларга дуч келаяпмиз. Вилоятдаги меҳмонхона, аэропорт ва шу каби меҳмонлар кўп ташриф буюрувчи масканларда миллий ҳунармандчилик буюмлари савдоси йўлга қўйилса, ҳунармандлар фаолияти ривожи учун айни муддао бўларди.

* * *

Давра суҳбатида, шунингдек, болаларни ёзги соғломлаштириш, стационар ва кундузги оромгоҳлари фаолиятини ташкил қилиш, аҳоли томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, «Меҳнат — роҳат» оромгоҳларини изчил ташкил этиш каби масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш юзасидан келишиб олинди. Нодавлат ташкилотларда ишлаётган ходимлар меҳнати муҳофазаси, касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари юзасидан мавжуд айрим масалалар ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Давра суҳбатида билдирилган муаммоларга ечим топилиб, ишловчиларнинг манфаатларини ифодалаш юзасидан фойдали ҳамкорлик давом эттирилиши яна бир бор таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова иштирок этди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 21-mart № 34-35 (3228)

СУМАЛАК — ЯХШИЛАР ОШИ

Ерўчоқда тинимсиз олов ёнади. Дошқозон биқирлаб қайнайди. Узун сопли капгир қозонда қўлма-қўл айлангани сайин дилдаги ниятлар тилга кўчади. Одамлар яхши ният қилади, юртга тинчлик-омонлик сўрашади. Ниятлар сумалак пишгунча тугамайди. Қозон бошида паридек онахонлар яхшилик, меҳр-оқибатдан ривоят ва ҳикоятлар айтишади. Ҳеч ким тинч турмайди. Кимдир сув келтиради, кимдир ўчоққа ўтин ташлайди. Болалар чопқиллаб ўйнашади. Қизлар сочларига тол баргакдан жамалаклар тақишади. Йигитлар қизларга пинҳона боқишади. Кўзлар сўзлашади. Сумалакни соғинган кўнгиллар ўйин-кулгуга шошилади. Шўх-шодон аёллар чилдирма чалиб, қадим лапарлар, ашулалардан айтишади. Хурсандчилик ярим кечагача давом этади. Сумалакли қозон бошида араз-гиналар унутилади. Одамийлик, меҳр-муҳаббат, иззат-икром туйғулари жонланади. Тонгда сумалак очилади. Митти пиёлаларга, сопол косаларга қуйилади. Кексалар, қариндошлар, беморларга улашилади. Ҳатто кўчадаги нотанишлар ҳам сумалаксиз қолишмайди... Сумалак — яхшилар оши, яхшиликдан нишона ҳамиша.



ДЎППИ КИЙГАН ЎЗБЕКЛАР

Дунёда халқлар кўп, миллатлар, элатлар кўп. Барчасининг ўз миллий урф-одатлари, анъаналари бор.

Халқларнинг халқлиги аввало уларнинг тилида, миллий кийимларида, тарихини унутмаслигида. Зеро, дўппи бор жойда ўзбек яшайди...

Ўзбек фарзанд кўрса, азиз боши омон бўлсин, дея дўппи кийдиради. Момоларимизнинг ўзбек дўппиларига эътибори, айниқса, бўлакча. Сандиқларини очишади-да, набираларига қарата: «Бу дўппини бобонг ёшлигида кийган экан, сўнгра отанг кийди, энди сен кий», дейишади фахр-ифтихор билан.

Ўзбекнинг дўппи бозори ҳамиша гавжум. Бу ердаги дўппилар жилваси кўзингизни қамаштиради. Беихтиёр, «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан», деган ёқимли қўшиқ ёдингизга тушади. Ўзбекчилик-да, қиз узатмоқчи бўлган ота-онанинг биринчи хариди куёвга дўппи танлашдан бошланади. Буни кўриб, қизи борлар бизни ҳам ўша кунларга етказсин, дея ҳавасланишади...

Тўй маросимларини айтмайсизми?!. Куёв бола бошида дўппи. Келин пошшо бошида ироқи дўппи, оқ ҳарир рўмол. Уларга дўппи кийган боболар бахт тилашади. Қўлларини очиб:

— Ўзларидан кўпайишсин, — дея дуо қилишади.

Кексалар кийиб юрган дўппиларини азиз билиб эҳтиёт қилишади, авайлаб сақлашади.

Ўзбек дўпписининг шакли, безаги ўзгарса-да ҳеч замонда моҳияти ўзгармайди. Ироқи чокли Тошкент дўпписи, машҳур Чуст, Андижон, Марғилон, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд дўппилари... Улар бизнинг фахримиз.

ТОНГ

Эрта туриш ўзбекларга одат. Ҳар нарсани эртаси яхши, эрта турсанг ризқинг зиёда бўлади, дейишади кексалар. Ўзлари шу нақлга риоя қилишади.

Тонгдан кўча дарвозалари очилади. Ота-оналар дуога қўл очса, ёшлар мол-ҳолга қарашади. Қиз-келинлар ҳовли супириб, сув сепишади.

Айвонга ин қурган қалдирғочлар ҳам чуғурлашиб, палапонларига емак келтиришади. Ҳовли узра мағрур яйраб учишади.

Ҳовли саҳнига экилган анвойи гуллар ҳиди борлиқни тутади. Ранг-баранг атиргуллар, райҳону жамбил шабадада тебраниб салом беришади.

Дастурхондаги бўрсилдоқ нонлар, пиёла тўла мазали қаймоқ, турли ширинликлар иштаҳани очади.

Кари-ю ёш наҳор ошига шошилади. Лаганларда қўлбола гуручдан тайёрланган ош тортилади. Кўнгли соқолидан ҳам оппоқ кексаларнинг дуоларидан тўйхона яшнаб кетади.

Тонгда шундай файз-барака бор. Эрта турганнинг эртаси бор, бахти бор.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Ўзбек хонадони ҳамиша дўстлар, яқинлар, қариндошлар билан гавжум. Орзу-ҳавасларга интилиш шу жойдан бошланади. Ўзбекнинг остонаси тилло, айвони, уйи файзли.

Осмонида ҳам баҳор элчилари — қалдирғочлар мағрур, эркин парвоз қилади. Улар одамларнинг энг яқин дўстларига айланган. Шу боис меҳмонхонаю, айвонларга эмин-эркин кириб, бемалол хавф-хатарсиз яшашади.

Қалдирғочлар инсон кўнглини яхши тушунади. Одамлар ҳам қалдирғоч айвонига ин қуришини яхшилик белгиси деб билишади. Қалдирғочнинг палапонларига овқат, сув келтириши инсонни ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

Ота-оналар қанотли дўстларини кўрсатиб: «Қалдирғочлардек меҳнат қилинглар, оилапарвар бўлинглар», — дея фарзандларига насиҳат қилишади.

Қалдирғочнинг боласини учишга ўргатиши худди одамнинг ўз фарзандини ҳаётга тайёрлашига ўхшайди. Уларнинг ҳам бек ва бекаси борлиги инсонларнинг оила қуриб, тинч-тотув яшашига жуда-жуда ўхшаб кетади.

Ахир уларнинг айвон олдидаги симга қатор чизилиб, чуғур-чуғур сайрашлари одамларнинг оилавий, тўкин дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуришларининг айнан ўзи эмасми?

Обод юртнинг осмонида қалдирғочлар қанот қоқиб мағрур учаверсин!

Абдураҳим БОЗОРБОЕВ,
Марҳамат тумани

Ғаллаоролга бу йилги Наврўз ўзгача таровату жозиба билан келди. Кўкламой дов-дарахтларга гуллардан маржон тақиб, дала-қирга ям-яшил сепини ёйди.

ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА

— Наврўзга бағишланган «Ободлик кўнгилдан бошланади» тадбирлар режасига кўра, туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда умумхалқ байрами юксак кўтаринки руҳда ўтмоқда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари Ғаллаорол туман кенгашининг раиси Абдуҳаким Шакарбоев.

Умумхалқ ҳашари кунлари туманда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир ходим 22 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчати экди.

Ишчи-ходимлар, талаба-ёшларга Наврўзнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, урф-одатни тарғиб қилиш мақсадида «Маънавият соатлари» доирасида қатор чиқишлар қилинди.

Таълим муассасаларида «Қушлар байрами», «Гуллар байрами», «Варрак учириш мусобақалари», «Сумалак сайли» тадбирлари ташкил этилди.

Кам таъминланган, кўп болали оилалар, шунингдек, ёлғиз қариялар, нафақахўрлардан 23 нафари ҳолидан хабар олиниб, мурувват ёрдами кўрсатилди, совғалар улашилди. 30 нафар фахрий Самарқанд зиёратида бўлиб қайтди.

212 та муассасанинг «Маънавият ва маърифат» хоналарида «Наврўз янгиланиш ва яшариш фасли» мавзуида кўргазмалар уюштирилди.

Ғафур Ғулом номли маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг саранжом хонадон» кўрик-танлови кўпларга манзур бўлди. Унда Баҳорой Жумабекова хонадони ғолиб деб топилиб, ҳомийларнинг эсдалик совғаларига сазовор бўлди.

Наврўз ўзининг ўзгача таровати билан ҳар бир хонадонга олам-олам шодлик ва қувонч улашмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири



Jshonch
2013-yil 21-mart № 34-35 (3228)

Табриклаймиз,
ҚУТЛАЙМИЗ

■ 22 март — Мирзо Улуғбек таваллуд топган кун

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек...

Алишер НАВОИЙ



Жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394-1449) бобокалони Соҳибқирон Амир Темур сингари маърифат ва адолат билан ҳукмдорлик қилди. Астрономия, риёзиёт, тарих, фиқҳ сингари фанлар унга қудратли куч бағишлади, серқирра фаолияти учун йўлчи юлдуз бўлди. У Амир Темур бунёд этган салтанатни мустаҳкамлашга, мамлакат бирлигини сақлаб қолишга ҳамда маданий ҳаётни юлсалтиришга интилди. Юртбошимиз эътироф этганидек: «Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди...».

ЮЛДУЗЛАР
илмининг султони

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409-1449 йиллар) улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, Мовароуннаҳр замини ҳар тарафлама гуллаб-яшнади. Кўплаб масжид, мадрасалар, расадхона ва саройлар, боғу роғлар барпо этилди, мавжудлари қайта тикланди. Мирзо Улуғбек тарих деб аталмиш катта тилсимда нафақат илм-фан ва маданият ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аллома, балки маърифатпарвар, адолатпарвар ҳукмдор сифатида ҳам шуҳрат қозондики, бу бахт айнан унга насиб этгани бежиз эмас, албатта. У бобосининг «Куч — адолатдадур» деган пурмаъно сўзларини ўзи учун дастуруламал қилиб, мамлакатни ақл-заковат ва одиллик билан бошқарди. Тарихий манбаларда бу ҳақда кўплаб мисолларни учратишимиз мумкин. Хусусан, венгриялик шарқшунос олим Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарида Улуғбекнинг ҳукмдорлик даврига урғу бериб шундай дейди: «*Темур сулоласидан исми Ғарб дунёсида бир неча асрлар мобайнида ҳурмат билан ёд этилган бир зот бўлса, у ҳам Улуғбекдир. Унинг хийла муддат давом этган подшоҳлиги Темурийлар салтанатининг саодатли даври саналади*».

Мирзо Улуғбек юритган доно сиёсат тилдан-тилга ўтиб, халқлар орасида кенг тарқалди. Халқ оғзаки ижоди намуналарида унинг сиймосидаги адолатпарварлик, одамийлик, донолик, айниқса, раъиятпарварлик фазилатлари юксак улуғланади. Яратилган ҳикоя, ривоят, афсоналарда ҳам Улуғбек бутун халқ муаммосига оқилона ечим топганлиги ва шу тариқа уларнинг меҳрига мушарраф бўлганлиги баён этилган. Энг муҳими, бундай ҳикоялар ҳали султон Улуғбек ҳаётлик чоғларида яратилиб, уларда тарихий ва ҳаётий ҳақиқатлар ўз аксини топган. Ушбу бағишловларнинг ўз қимматини йўқотмай, замонлар оша бизгача етиб келгани қувончли ҳолдир. Зайниддин Восифийнинг «Бадоъе ул-вақое» («Нодир воқеъалар»), академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Улуғбек», манбашунос Малик Муродовнинг «Алломалар ибрати» номли асарларида Мирзо Улуғбекнинг ёрқин сиймоси, унинг инсоний фазилатлари, олийжаноблиги ҳамда адолатпарварлиги жонли лавҳаларда улуғланади.

Шербек ЁДГОРОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти битирувчиси

«МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни баҳор, янгиланиш ва яшариш байрами – Наврўз билан қизғин қутлайди. Гўзал ва тинч диёримизга, обод ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин!



«ЖАНУБГАЗТАЪМИНОТ» МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимиз аҳлини кўкламнинг энг гўзал айёми бўлмиш – Наврўзи олам билан муборакбод этади. Жаннатмонанд ўлкамизнинг осмони мусаффо бўлсин. Серқуёш Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин!



Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши



Ўзбекистон аҳолисини Наврўзи олам билан табриклайди. Юртимизнинг ҳар бир гўшаси озодлик ва ободлик нуридан мунаввар бўлсин!

Табриклаймиз,
ҚУТЛАЙМИЗ

Jshonch
2013-yil 21-mart № 34-35 (3228)

Хоразм асрлар оша бой маданияти ва юксак маънавияти билан дунёга довруқ таратган диёр. Элпарвар шоир, қураги ерга тегмаган полвон — Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонда ғолиблик нашидасини суриб, тортиқ эвазига хоразмлик асирларни озод эттиргани ҳар қандай шарафга лойиқ. Шарқ оламини санъат ила ҳайратга солган улуғ ҳофиз Комилжон Отаниёзов ҳам спортнинг кураш тури билан шуғулланган, полвонларни рағбатлантиргани халқ орасида достон бўлган. Чунончи, оловқалб хоразмликлар ҳамиша санъат ва спортни тенг кўришган. Бугунги кунда ҳам воҳада шу руҳ ҳукмрон.

ЯШИЛ НАВОЛАР

Зеро, Хоразм «Лазги»сига мафтун, сурнай наволарига сел бўлмаган ким бор?! Айниқса, бу ҳол Наврўз шодиёналари чоғи авж пардасига чиқади.

— Наврўз азалдан Хоразмда ўзгача тантана билан нишонланган, — дейди Хоразм вилояти ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокиржон Мадаминов. — «Хоразм шоир ва навозандалари» китобида ёзилишича, «Ҳар йил Наврўз киргандан Хоразм халқи подшоҳликка ариза бериб, сайр, яъни тоза (янги) йил кирганига шодлиқ қилмоққа» рухсат олишган. Хон амрига биноан қора ўтовларда Наврўз шодиёналари ўн беш кун мобайнида нишонланган. Бинобарин, Наврўзни «тоза йил» сифатида тантана қилиш хоразмликларнинг қонига сингиб кетган.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, хоразмлик деҳқон учун ҳар кун қаҳрамонлик кўрсатишни талаб этади. Чунки, шимолда жойлашган боис воҳа иқлими ноқулай, тупроқ шўри қайта-қайта ювилмаса, ерга кадалган уруғ бир текис унмайди. Ана шу боис меҳнат мавсуми арафасида хоразмликлар Наврўз баҳонасида юракка куч бағишловчи сеҳрли куй-қўшиқ, рақслар ҳамда жисмоний тайёргарлик намунаси сифатида полвонлар баҳсларини, мушоираларини, баҳши достончилиги, масхарабозлик чиқишларини ташкил этиб, навбатдаги экин мавсумига ғайрат кўришган. Хуллас, ўйин-кулги орситасида табиат қийинчиликларини енгишган.

Халқимиз Наврўз айёмида ўтган йилга назар ташлаб, ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилишган. Ана шу удумга риоя қиладиган бўлсак, санъат соҳасида ўтган йил хоразмликлар



улкан натижаларга эришди. Жумладан, Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон халқларининг фолклор ва халқаро амалий санъат фестивалида Ўзбекистон халқ артисти Гавҳаржон Матёқубова раҳбарлик қилаётган «Гавҳар» рақс ансамбли рақҳосалари диплом билан тақдирланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида ўтказилган «Асрлар садоси — 2012» анъанавий маданият фестивалида Шовот тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги «Авазхон» фолклор-этнографик ва «Моноқ масхарабозлари» халқ ансамбллари ҳамда «Гавҳар» рақс ансамбли рақҳоса қизлари жамоаси ўзларининг ранг-баранг концерт дастурлари билан барчани қойил қолдиришди.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ўтган «Оилавий ансамбллар» кўрик-танловининг республика босқичида янгиариқлик Рўзметовлар оиласи олий, Урганч шаҳридан Бобожоновлар оиласи фахрли учинчи ўринларни эгаллаб, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Фахрий ёрлиқ» ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ўтганларни хотирлаш — савобли анъана. Ўтган йил машҳур ҳофизимиз, Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг тўқсон беш йиллиги воҳада кенг нишонланди. Санъат ва адабиёт соҳаси дарғаларидан «Хоразм» мақом ансамбли жамоаси бадиий раҳбарлари ака-ука Ғофур ва Ғулом Эшчоновлар «Ўзбекистон халқ артисти» унвонига, шоир Ошиқ Эркин ва «Оразибон» фолклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари Тожигул Ўрозбоевалар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига мушарраф бўлишди.

Спорт соҳасидаги зафарларимиз ҳам санъатдагидан кам эмас. Жаҳонга машҳур боксчимиз Темур Ибрагимов Наманганда ўтказилган бокс белашувида WBA Pan African чемпионлик камари учун ўн икки раунддан иборат тарихий жангда Жанубий Африка Республикаси боксчиси Вайзман Диомо устидан ғалаба қозониб, юртдошларимизни мамнун қилди.

Ўтган йили Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган белбоғли кураш бўйича катталар ўртасидаги беллашувларда Урганч Давлат университетининг жисмоний маданият факультети биринчи босқич талабаси Замира Аҳмедова 52 килограм вазн тоифасида жаҳон чемпиони, Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил кўраётган Раҳматжон Шомуротов 75 килограмм вазнли полвонлар ўртасида Осиё қитъасида тенгсиз деб топилди. Шунингдек, Осиё чемпионатида бел олиш кураши бўйича шовотлик Дилдора Шерматова ва Кумуш Йўлдошева, хонқалик Юлдуз Эркаева олтин, Урганч туманидан Гулёр Отажонова ва Гурлан туманидан Аббос Жабборовлар бронза медали билан тақдирландилар.

Умуман олганда, сўнгги икки йилда Хоразм вилояти вакиллари республика ва халқаро мусобақаларда 83 та олтин, 74 та кумуш, 116 та бронза медалини қўлга киритишди. Бундай муваффақият ўз-ўзидан келмайди, албатта. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан вилоятимизда кўплаб янги спорт иншоотлари қуриб, ишга туширилди. Спорт заллари замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Хусусан, 21 та ўйингоҳ, 2688 та спорт майдончаси, 664 та спорт зали, 8 та сузиш ҳавзаси спортга ихлосмандлар ихтиёрига берилди. Шу билан бир қаторда маҳорати жаҳон андозаларига мос келадиган мураббийлар ёшларга сабоқ беришмоқда. Соғлом танда — соғ ақл, деганларидек, бу саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бериб, ёшлар маънавиятини шакллантиришида асқотмоқда.

Ушбу муваффақиятларни сарҳисоб қиларканмиз, келгуси режаларимизни ҳам белгилаб олаётирмиз, албатта.

Хуллас, руҳимиз баланд. Аждодларимиз қадрлаган анъаналар мустақиллигимиз шарофатидан тобора жило топиб бормоқда. Мен вилоятимизда ўтаётган Наврўз тантаналарини образли қилиб, Хоразмнинг яшил наволари, дегим келади.

Шукуржон ЖАББОРОВА,
ёзиб олди

Навбаҳор тумани Кескантерак қишлоғининг ғайратли, ташаббус ва янгиликсевар инсонлари, аввало, Наврўз дастурини тузишади. Иш ободончилик ва саранжомликдан бошланади. Ҳовли-ю кўчалар, ариқ ва йўл четлари тозаланади. ҚФЙ масъул котиби Солия Ғоипова бошчилигида маслаҳатчилар, кайвони онахонлар Наврўз удумларини яхши биладиган кексалар ишбоши сифатида кенгашиб оладилар.

БИЗДА ШУНАҚА...

Қозон-ўчоқ дейсизми, самовару ўтин дейсизми, булар ҳудуднинг алпомишлари ҳукмига ҳавола этилади. Байрам куни эрта тонгдан йигитлар бир қучоқдан ўтин, қиз-жувонлар эса турли пиширигу таомлар билан қишлоқ марказидаги катта майдонда йиғилишади. Бир томонда кексалар учун чорпояда жой тайёрланади, бошқа томонда қалдирғочдек бўлиб болалар тизилишади ва байрам бошланишини интизорлик билан кутишади. Дастурхон тузатиш билан банд қиз-жувонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларга қишлоқнинг ўтидан кириб, кулидан чиқувчи кайвониси йўл-йўриқ кўрсатади. Сумалакчи холанинг маҳоратига баҳо бераётган хотин-халаж бир зумда қишлоқнинг у бошидан бу четигача нима гап бўлаётгани ҳақида ҳам гаплашишга улгурадилар. Ошпаз ош дамлайди, йигитлар самоварни шақирлатиб қайнатиш баробарида қизларга қочиримлар қилишни ҳам унутмайдилар. Шу тарзда бошланган тайёргарликдан сўнг ҳамма дастурхонга таклиф этилади. Қишлоқнинг уста суҳандони Бобоқул Арабов тадбирни бошлаб юборади. У шеър ўқиганда тантанага шоҳид бўлиб турган энг жажжи болакай ҳам жим туриб тинглайди.

Кекса отахонлар барчани қутлаб, дуога қўл очадилар, шукроналар қилиб, Яратгандан юртга тинчлик, халққа фаровонлик тилайдилар. Бир-биридан аразлаган қўни-қўшни 80 ёшдан ошган Алиқул бобо Жўрақулов томонидан яраштирилади. Сўнг сўзамол онахонларга навбат берилади. Ибодат ая Адизованинг халқона услубдаги қадимги қўшиқларига бошқалар жўр бўлади:

Шилдир-шилдир сувларга сирғам тушди ёр-ёр,
Синамаган жойларга қизим тушди ёр-ёр.
Қизим тушган жойларга ой бўлайин ёр-ёр,
Куёв чеккан чилимга най бўлайин ёр-ёр.

Айниқса, қишлоққа янги тушган келинларни салом қилдириш жараёни жуда антиқа. Жамики одамзот борки, барчасига салом айтса-да, Ибодат момо толиқдим, демайди. Аммо эгилавериб чарчаган келинлар бир оз тин олиши кераклигини айтиб, сўзини якунлайди. Сўнг ширали овоз соҳибалари лапарлар, яллалар айтишади, доира чалиб, ҳаммани рақсга таклиф этадилар:

Омон ёр ўйнасанг-чи ё омон ёр,
Белингни боғласанг-чи ё омон ёр.
Шундай бахтли замонда ё омон ёр,
Очилиб ўйнасанг-чи ё омон ёр.

Ёшлар ҳам ўз улушларини қўшиб, айтишувлар қилишади, ўсмир йигитчалар куч синашиб, арқон тортишадилар. Хуллас, кекса авлоднинг миллий анъана ва қадриятларимизга бўлган ҳурмати, эътиборини кўриб ёшларда завқланиш билан бирга удумларимизга бўлган қизиқиш ҳисси ортади.

Шу куни қишлоқ оқсоқоли Ғайрат Умматов ҳамда «Кескантерак» МФЙ раиси Ниёз Бақоев бошчилигидаги фаоллар байрамда иштирок этолмаган, бемор ва кексалар, кам таъминланган оилаларни йўқлаб, совғалар улашиб, байрам билан қутлайдилар.

Холида ФАЙЗИЕВА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Меҳнаткаш халқимиз ва соҳа ходимларини, юртимизда яшаётган кекса-ю ёшни фасллар келинчаги —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин дилдан табриклайди. Келажаги буюк давлатимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган қалби қайноқ, меҳри дарё инсонларга мустаҳкам соғлиқ, ҳуш кайфият, узоқ умр, хонадонларига файзу барака тилайди!



Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!

Ishonch
2013-yil 21-mart № 34-35 (3228)

Табриклаймиз,
ҚУТЛАЙМИЗ

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

БОҒИ БОРНИНГ БАҲОРИ БОР

Ҳаётнинг гўзаллиги шижоатли, қалби қайноқ, меҳнаткаш, содда, самимий инсонлар борлигидан. Уларнинг эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишлари беминнат нур сочаётган қуёшга ўхшайди. Офтоб илиқ тафти ва сахий нурлари билан оламни яшнатса, саховатли инсонлар хайрли амаллари билан одамларга наф келтиришади. Қибрай тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси ана шундай фидойи, элпарвар етакчилардан.

— Раҳимжон Тожиқулов ўзининг камтарлиги, ҳар бир муаммони ечишда ҳозиржавоблиги ва юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб туради, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент шаҳри (собиқ Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси) бўйича масъул ташкилотчиси Гўзал Тўхтаева. — Ташаббускор етакчининг саъй-ҳаракати билан бирлашма атрофидаги ташландиқ майдонда касаба уюшмаси боғи яратилди. Иқтидори, билимини ишга солиб, эл хизматига шай турган ана шундай етакчиларимиз ташкилотимиз нуфузини ошириш билан бирга, одамлар қалбида касаба уюшмаларига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Қибрай тумани тиббиёт бирлашмаси ҳовлисига кирсангиз, ям-яшил арчалар, эндигина гулга кирган мевали дарахтлару барг ёзаётган атиргул ниҳолларини кўриб, беихтиёр «экканга раҳмат!» дейсиз.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг боғлар яратиш ҳақидаги Мурожаати эълон қилинган, хайрли иш кенг қулоч ёяётган, унга жавобан касаба уюшма фаоллари, вилоят аҳли мевали дарахтларни кўпайтириш, ундан мўл-кўл ҳосил олиб, эл дастурхонини тўкин қилиш йўлида астойдил ишга киришган кезларда шифохона ҳудудидаги 6 сотихли ташландиқ ерни обод қилиб, боғ барпо этиш орзуси юрагимда ниш урди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Раҳимжон Тожиқулов. — Мақсадимни туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига айтдим.

Фидойи раҳбар нафақат касабақўм фикрини маъқуллади, балки амалий ёрдамини ҳам дариғ тутмади.

— Жуда тўғри йўлабсиз, боғ жамоамиз кўрки бўлишига шубҳа йўқ. Қолаверса, сўлим боғимиз беморлар руҳиятига шифобахш таъсир этиб, асаб тизимини мустаҳкамлайди, — деди бош шифокор. — Бу хайрли ишга касаба уюшма ташкилотимиз раиси сифатида ўзингиз бош бўласиз.

Касабақўм етакчиси улуғ ниятни дилига тугиб, ишга киришди. Асли деҳқон фарзанди эмасми, аввало, ерни шох-шабба ва тошлардан тозалатиб, текислатди. Сўнгра минерал ва маҳаллий ўғитга тўйдирди. Маъмуриятнинг моддий кўмаги билан арча кўчатлари сотиб олинди. Эзгу ишдан ҳеч ким четда қолмади. Ходимлардан кимдир мевали дарахт, бошқаси гул кўчатларини олиб келди. Бўш вақт топди дегунча оддий ходимдан тортиб, бош шифокоргача боғда енг шимариб ишлади. Бундан нафақат атроф обод ва кўркам бўлди, биргаликда қилинган меҳнат ҳамкасбларни бир-бирига яқинлаштирди, иш унуми ва самарадорлиги ортди.

— Давр ҳар биримиздан алоҳида фидойилик ва изланувчанликни талаб қилаётган экан, албатта, бунга биз етакчилар энг аввал «лаббай», деб жавоб бермоғимиз зарур, — дейди Р.Тожиқулов. — Буюк Гёте ҳам: «Кимки кўп нарсага эришмоқчи бўлса, ўз олдига катта талаблар қўйиши лозим», деган эди. Ҳаво филтри деб ном олган, қишин-ёзин инсонларга битмас-туганмас кислород улашадиган, табиат маликаси бўлган арчаларни парвариш қилиш бўйича мутахассислардан сабоқ олдим. Эндиликда бу сир-асрорлардан ҳамкасбларимни воқиф этяпман. Ҳар ишда ҳамжиҳатликни таъминлаётган бош шифокор Одилжон Бойматов, бош ҳамшира Мавжуда Усмонова, хўжалик бўлими боғбони, оператор Равшан Зокиров, жарроҳлик бўлими бекаси Зуҳра Бадалова, тез тиббий ёрдам мудираси Турсуной Мирносирова, қўли енгил жарроҳ Сергей Лининг хайрли ишда хизматлари жуда катта. Айни кўкламда боғимизда қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп. Ҳар хил мевали дарахтлар экяпмиз, мавжудларини парваришлаяпмиз.

Изланувчан раис 1974 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топди. У 2003 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти даволаш факултетини тугатиб, Қибрай туман марказий шифохонасига қарашли ЎзПИТИ ҚВПда умумий амалиёт шифокори лавозимида иш бошлади. Кейинчалик Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида билимларини мустаҳкамлаб, туман ўсмирлар марказида, кейинчалик марказий поликлиникада нарколог шифокор сифатида фаолият кўрсатди. Ҳар бир ходим хулқи, меҳнатга ва касбига садоқати, шунингдек, яхши ва ёмон амаллари билан ўзини танитади. Р.Тожиқуловнинг ишчанлиги ва одамларга эътибори тилга тушди. Туман тиббиёт ходимлари касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида унга ишонч билдирилди.

Айни пайтда у туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида нарколог шифокор лавозимида ишлаш билан бирга, туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Касаба уюшма қўмитасида 1660 нафар аъзо бўлиб, улар 29 та цех ва 5 та гуруҳ ташкилотларига бирлашган.

Киши қаерда, қай лавозимда ишламасин, тартиб-интизомга риоя қилиши, топширилган вазифаларни юракдан бажариш орқалигина обрў қозонади. Р. Тожиқулов лоқайдликни иллат, деб билади. Айниқса, бу касаба уюшмасига етакчилик асноси ёрқин намоён бўлди. Ҳамиша одамлар ташвиши билан яшади, тармоқ ходимлари ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида раҳбарлар билан музокара олиб борди. Ҳар бир аъзо қалбидан самимияти билан жой олди. Қарабсизки, бирор муаммога дуч келган ходим аввал унга маслаҳат соладиган бўлди. Касабақўм эса маъмурият билан ишловчиларни эзгулик кўприги мисол бирбирига боғлаб турди.

Туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси иш берувчи ва бирлашма ходимлари ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касб билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи иккинчи меҳнат қонуни ҳисобланади.

Асосий мақсад — фаолиятни янада ривожлантириш бўлиб, айни кунда тиббиёт бирлашмасининг махсус ташкиллаштирилган фонди ҳисобидан ходимларни рағбатлантириш касаба уюшма иштирокидаги комиссия томонидан амалга оширилмоқда.

— Аҳоли саломатлиги посбони бўлган шифокору ҳамшираларнинг ўзи, аввало, соғлом бўлиши керак, — дейди Р.Тожиқулов. — Шу мақсадда уларнинг ҳар бири йилда бир марта бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши фақат касаба уюшмаси розилиги билан амалга оширилади. Кам таъминланган оилалар, ногирон ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш алоҳида эътиборда. Ўтган йилда ходимларга моддий ёрдам учун 7 млн. 320 минг сўм, мукофотлашга 1 млн. 309 минг, хўжалик ишларига 2 млн. 835 минг сўм сарфланди. 8 нафар тиббиёт ходими сиҳатгоҳларда, 6 нафари дам олиш уйларида соғломлаштирилди. Шунингдек, уларнинг фарзандларига ёзги болалар оромгоҳига имтиёзли йўлланмалар олиб берилди.

Жамоа шартномасига асосан, ёш боласи бор ходимларга қўшимча 3 кун, психиатр-нарколог, рентгенолог, инфекционист шифокорларга узайтирилган таътиллар жорий этилди. Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларига 20 млн. 69 минг сўм сарфланди.

Обод турмуш йилида касаба уюшма қўмитаси кўплаб хайрли тадбирларни режалаштирган.

— Кўнгли обод кишининг ишида унум, ҳаётида файз, хонадонида барака бўлади. Турмуши вайрон киши одамлардан ўзини олиб қочади, умри мазмунсиз кечади. Шу боис биз ходимларимизнинг кўнгил ободлигига асосий масала сифатида қараяпмиз. Уларнинг саломатлик манбаи бўлган мевасабзавотлардан етарли миқдорда баҳраманд бўлиши учун жон куйдиряпмиз. Инсон бир йилда ўртача 160-180 кг.гача сабзавот, 76 кг.гача хўл-қуруқ мева истеъмол қилиши керак. Бу ўлчовни бутун дунё тиббиёти белгилаб берган. Касаба уюшмаларининг боғлар яратиш, томорқачиликни ривожлантириш борасидаги ташаббуси халқимизни эзгу ишларга сафарбар этди, келажак авлод учун боғ-роғлар яратишга чорлади. Бизнинг боғимиз ҳам ана шу ташаббуснинг маҳсулидир, — дейди касабақўм раиси фахр билан. — Ёш авлод ҳақида қайғурар эканмиз, эртанги боғлар тақдири улар қўлида эканлигини унутмаслигимиз зарур. Шу боис ёшлар онги ва қалбига «бу мен экқан дарахт», дея фахрланиш ҳиссини сингдиришимиз лозим. Негаки, боғ — ҳаёт жаннати. У энг аввало, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тўқлик, серобчилик, тинчлик-хотиржамлик белгиси. Боғ яратган одам шунинг учун жаннатийдир. Бир туп кўчат экиб, уни парвариш қилган кимсадан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Касабақўм раиси эндигина экилган дарахтларга ўзгача меҳр билан боқаркан, сўзида давом этади:

— Ўзбекистондаги иқлим дунёнинг ҳеч қаерида йўқ. Фасллар тенгма-тенг алмашади. Шунинг учун ҳам биздаги мевасабзавотлар, полиз экинлари мўътадил, инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали. Халқимиз «Боғи борнинг баҳори бор» деб бежиз айтмаган. Ана шу мақсадда айни кўклам кунларида тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги барча ташкилотларда дарахт экиш ишларини амалга оширамиз.

Эътибор берган бўлсангиз, дарахт ҳам инсонга ўхшайди. У ҳам меҳрталаб. Экдингми, ҳолидан хабар ол. Ана ундан кейин мева бераверади. Ҳавони тозалайди, салқинлиги, манзарасидан завқ оласан. Гулласа, қувонасан, ҳосил берса, яна хурсанд бўласан. Бу иш инсондан содиқликни талаб этади. Шунинг учун ота-боболаримиз кўчат экишни энг катта савоб деб билган.

Биз ходимларимизнинг шахсий томорқаларда ҳам мевали дарахтларни кўпайтиришига эътибор бераяпмиз. Бу ишда касаба уюшма фаоллари ташаббусни ўз қўлларига олишган. Шу мақсадда ҚВПлар ҳамда ходимларнинг ҳовлилари ободончилиги бўйича тарғибот ишларини олиб бораяпмиз. Экилган ҳар бир мевали дарахт кўчати қай аҳволдалиги ҳам назоратимизда.

Айни кунда раис ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари билан бирга ҳамширалар ўртасида кўрик-танлов ўтказиш ташвиши билан банд. Шунингдек, ёшларга эътиборни кучайтириш мақсадида касаба уюшма қошида «Ёшлар кенгаши» фаолиятини йўлга қўйиш тараддудида. Бу эса истеъдодли ёшларнинг эзгу ишлари янада кенг қулоч ёзишига асос бўлади, албатта.

Ҳа, келажак бугундан, бугун бажарадиган хайрли ишларимиздан чанқоғини қондиради. Бошқача айтганда, бугун яратган нарсаларимиз келажакка шу тариқа бўй чўзади. Касаба уюшмаси боғлари эса Раҳимжон Тожиқуловдек фаол етакчилар назоратида янада яшнаб, чирой очиб бораверади.

Амина ҚОДИРОВА,
Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбирлари

Қари билганни — пари билмас

КУНЛАР ЖАВҲАРИ

Ҳар гал ярим тилим қовундай бўлиб янги ой чиққанини кўрганимиз ҳамон Ойширин момодан суюнчи олишга шошиламиз:

— Момо, момо, суюнчи чўзинг, янги ой чиқди!

Ойширин момонинг юзларига нур энади, синиқ кўзлари чарақлайди:

— Қани, қани, ўз кўзинг билан кўрдингми?

Тезроқ момонинг бошидаги қатқат рўмоллар орасидан олиб узатадиган ширинлигига эга бўлиш учун қўлимизни осмонга бигиз қиламиз.

— Ҳайла.

— Қўлинг билан кўрсатма, болам, гуноҳ бўлади. Ўша томонга имласанг, ўзим топиб оламан.

Ниҳоят Ойширин момо ярим тилим ойни кўради, кўзларини, киприкларини бармоқлари билан силаб, пичирлаб нимадир деганча, унинг йўлига пешвоз етти қадам ташлайди, кейин:

— Сен ҳам шундай қил, болам, юриб бораётганингда «ҳақ ой, ҳақ ой, янаги кунларга, янаги ойларга ўзинг етказ», дегин. Илоё Оллоҳ ярлақагани чин бўлсин, — дейди.

Ойширин момонинг туриш-турмуши сир, янги-янги маросимларни кашф этаверади. Айниқса, Наврўз арафасида ўтказиладиган «Чоршанба чироқ» (айрим қишлоқларда у «Охирги чоршанба» деб аталаркан) маросимини интиқлик билан кутамиз. Бу маросим байрам арафасидаги сўнгги чоршанбада тун пайти ўтказилади.

— Янги йилга софланиб борган яхши, болаларим, — дейди Ойширин момо бизларга қайта-қайта топшириқ бераркан. — Бирон киши эсдан чиқиб қолмасин.

Бизнинг вазифамиз намозшом ғира-ширасида ҳаёт бўлган ҳар бир яқин қавм-қариндошимиз учун алоҳида гулхан қалашга қорайиб-қовжираб қолган янтоқ дастасини қўйиб чиқиш. Кейин гулханга олов қаланади. Маросимни момонинг ўзи бошлаб беради:

— Чоршанба дедим ҳатладим, пайшанба дедим ҳатладим, — дея гулханлар устидан ҳаккалаб ўтади.

Ҳаммамиз бу ишни қилиб бўлгач, кимнинг уйида жўмраги чегаланган чойнак, қирраси учган пиёла, коса, лаъли бўлса олиб чиқиб, гулхан устида синдиради.

Кексаларнинг таъбирича, дарз кетган идиш хонадондан баракани қочирармиш.

«Чоршанба чироқ» — гуноҳлардан софланиш маросими, гулхандан ният қилиб сакраган ҳар бир кишининг гуноҳлари оловга тўкилиб қолар эмиш.

Бу маросим Наврўз сайллари билан туташиб кетади. Нега гулхан, нега унга сиғиниш, деган саволларга у пайтлар жавоб тополмасдим. Бугун эса моҳиятига етгач, Наврўзимизнинг, янги кунимизнинг нечоғлик кўҳна эканлигига амин бўламан.

Ахир бу Ахура Мазда нидоси, Зардўшт нидоси эмасми?!

«— Эй, Мазда! Эй, Ахура!

Эзгу Ният билан Ашаҳ - Ҳақиқат сиймоси ёғдулари остида одамлар бу каломларни эшитсинлар ва ўзинг-да гувоҳ бўл — дўстлар, қонқариндошлардан ким адолат билан тириклик қилаяпти, уларгина мен билан ҳамкор бўла оладилар».

«Наврўз — Шамсия (Қуёш) йил ҳисобида йилнинг биринчи куни бўлиб, Ўрта Осиё ва шарқ мамлакатлари халқларининг қадимий анъанавий байрами ҳисобланади, деб ёзилади Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида. «Наврўз баҳорги тенгкунликка (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг Ҳамал буржига киришига тўғри келади. Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Наврўз байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган».

Расадчиларнинг шоҳидлик беришича, янги кун, янги йил бошланаётган лаҳзалар Ерга ўз таъсирини ўтказувчи ўн икки юлдузнинг Қуёшдан кейингиларидан: Ой — Асад буржида, Уторуд — Ҳамалда, Зуҳро — ўз шараф буржи Ҳутда, Миррих — Сунбулада, Муштарий — Далвда, Зуҳал — Ҳамалда бўлиб, коинот сарвари — Қуёш шаънига олқиш ёғдириб туришаркан. Сайёраларнинг бу шаклда тизилиши, бир-бирига назар солиши Янги йил фақат яхшиликларга эш бўлишидан дарак бераркан. Шу боис Наврўзни кунлар жавҳари этиб саралашган экан.

Беихтиёр кунлар аввали Наврўз шаънига мисралар дилимда чарх ураверади:

Бугун далаларда майсалар нишлаб,
Дилимда туғилар яна янги сўз:
Лайлаклар қайтмоқда маконин излаб,
Сен қачон қайтасан ўлкамга, Наврўз?
Жуфтини изларкан паноҳ этмоққа,
Каптарлар бўғотдан ку-кулар маъюс.
Гўё, нағмасида такрорлар қайта:
— Кўзим тўрт йўлингга, келақол, Наврўз.
Сен билан борлиқнинг файзи ўзгача,
Бодомнинг гулидан таралар ифор.
Табиат чек қўяр қиш уйқусига,
Сен билан бошланар мен кутган баҳор.

Тун ва кун тенглиги — Наврўз мен учун қўшалоқ байрам, шу кунда ҳам отам, ҳам онам (Яратган эгам уларнинг охиратини обод айлаган бўлсин!) таваллуд топишган.

Бекмурод Ортиқов деган танишим бор, ўрта мактаб таҳсилини ҳам, олийгоҳ таҳсилини ҳам кетма-кет тугатганмиз. Гоҳида у давраларда шумлик қилади:

— Орамизда ота-онаси адаш одам бор, ким билади?

Ёнимиздагилар саволга жавоб тополмай елка қисишади. Мен эса кулимсираб, баҳсдан четда қолишни мақбул топаман. Аслида ўша сирли одам ўзим. Муборак кунда туғилганларни Наврўз, Наврўза, Навбаҳор, Янгибой деб номлаш халқимизнинг азалий одати. Бу номлар ўз соҳибининг йилбоши куни таваллуд топганини билдиради.

Шу куни туғилганлар ҳақида:

— Ўз номи билан туғилди, — дейишади.

Ўзга исм берилса, бола инжиқ бўлиб ўсармиш.

Абдунаби АБДИЕВ,
Миришкор тумани



Обод турмуш йили ўйлари



Далалар чирой очди. Боғлар ичи офтоб шуъласида мунаввар бўлди. Дарахтларнинг шохларига оқ бодроқдек сочилган ғунчалар ўзига оро бераётган келинчакдек нигоҳларга ўт солди.

Ариқ бўйларида ялпизнинг хуш ислари анқиди. Қиру адирлар узра майсалар гилами ёйилди, чучмомолар унга безак бўлди.

Бутун борлиқ зумда яшнаб кетди. Қушлар ўз тилларида чуғурлаб, гўёки жумлаи жаҳонни янги кун билан муборакбод этадилар.

Кексаю ёш табиатнинг эрка фаслини баравариga олқишлади.

Кўм-кўк далалар бағрида чинакам Наврўз шодиёналари бошланиб кетди.

ХУШ КЕЛИБСАН, УМИД ОЙИ

Кўҳна Шарқ алломалари Наврўзни «умид ойи» деб атаганлар. Ҳақиқатан, бу айёмда кўнгилдаги орзу-умидлар жўш уради, инсон эзгуликлар сари чоғланади. Ерга уруғ қадаш айни шу кунларда бошланади.

Ғалла азал-азалдан фаровонлигимиз манбаи бўлиб келган. Ривоятларда айтилишича, битта қишлоқда иккита бой яшаркан. Бирини Тиллоли бой, иккинчисини Ғаллали бой дейишаркан. Тиллоли бой жуда димоғдор, «буғдой-арпа ҳам бойлик бўларканми» деб иккинчи бойни ҳеч назар-писанд қилмас экан. Фалакнинг гардиши билан бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, очарчилик бошланибди. Шунда Тиллоли бой Ғаллали бойга бош эгиб, барча олтинлари эвазига дон-дун сўраб, ялиниб борган экан.

Наврўз билан боғлиқ одатларимизга кўра, аразлашганлар қутлуғ айём тонгида бир-биридан узр сўрашади. Шу куни ногиронлар, етимсирлар ва боқувчисиз хонадонларга мурувват ёрдами кўрсатилади.

Давралардаги гўзал суҳбатлар кўнгилларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Аслида, наврўзий урф-одатларимизда ўзгача ҳикмат бор. Бу одатлар ҳар бир кишини ўзи ҳақида ўйлашга даъват этади, доимо ҳалол ва покиза яшашга ҳамда соғлиги учун қайғуришга ўргатади.

Арқон тортишда ким зўр?

Наврўз сайлини «арқон тортиш»-сиз тасаввур этиш қийин. Бу беллашувда ҳатто аёллар ҳам қатнашадилар. Улар бешта-бештадан бўлиниб, икки томонга ўтишади ва арқонни бараварига тортишади. Қайси гуруҳ кучли бўлса, арқонни тезда ўзиники қилиб олади. Арқон тортишда «зўр чиққанлар» давра аҳлининг мақтовига сазовор бўлишади.

Беллашувда ҳар ким ўз кучини синаб кўради, янада кучлироқ бўлишга интилади. «Арқон тортиш» одатининг замирида шу истак яширинган.

Зирагингга майса ил!

— Майсаларни тўйиб ҳидла, кўнглинг ёришади, — дерди момоларимиз.

— Тонгда майсазор устидаги шудрингдан олиб ич, барча дардлардан фориғ бўласан, — дерди боболаримиз.

Майсаларга бўйлашиб, улар билан жой талашиб ўсаётган ялпиз, исмалоқ, жағ-жағ ва беда каби кўкатлар ҳам юз бир дардга даво. Улардан турли таомлар тайёрлаб, тўйиб истеъмол қилганга не етсин.

Қутлуғ кунда онахонлар эндигина унган буғдой майсасидан сумалак пиширишади. Бу хосиятли таом қишдан толиққан вужудларга куч-қувват ато этади. Қадимий одатга кўра, сумалак қозони бошида буғдой майсасидан узиб, қулоқларига ёки исирғаларига илдириб олган келинчаклар келгуси Наврўзгача ниятларига етарканлар. Янги куннинг мўъжизаларига ишониб яшайдиган кексаларимиз бу одатда бир сир бор эканлигини келинлари ва қизларига қайта-қайта уқтирадилар.

Саховат эшигини очинг

Туни билан қайнаган сумалак тонгга яқин пишиб етилди. Онахонлардан бири «бисмиллоҳ»ни айтиб қозон қопқоғини очди. Наврўз таомининг хушбўй иси димоғларга урди. Идишларга сузилган сумалак дастлаб бемори бор хонадонларга юборилди. Сўнг болакайларга улашилди.

Маҳалла фаоллари кўмакка муҳтож оилаларга бирма-бир кириб, камдармон ва хастаҳол одамларга айём совға-саломларини тарқатдилар. Бу меҳру-мурувватдан беморларнинг юзларига табассум югурди...

Ном чиқарган фермерлардан бири шу қутлуғ айёмда болажонлар кўнглини овлашни ният қилганди. У ногиронлар уйи болаларига катта қозонда ош тортди. Кийим-кечак ва турли ўйинчоқлар билан сийлади.

Кўнгилларда ниятлар эзгу, мақсадлар янада улкан. Ҳаёт кўзларимизга тобора чиройли бўлиб кўринади. Ҳар биримиз ўзгаларга яхшилик қилишга, ортимиздан ёруғ излар қолдиришга чоғланамиз. Шундай бир вақтда ушбу йилимизнинг наврўзи одатдагидан бошқачароқ кечади, ҳар гўшада яхшиликлар юз очади, хайру-саховат қилгувчилар сафи янада кенгаяди. Зеро, кексаларимиз «Ҳажга бормоқ на ҳожат, агар дил овласанг» деган ҳикматни бежизга айтишмаган.

Унутмайликки, кўрсатилган бир чимдим меҳр-мурувват дардманд кўнгилга бир олам нур олиб киради!


Наврўз чиройли урф-одатлари, ривоятлари, ҳикматлари, қўшиқлари билан қалбларимизга кириб келган. Кўзимизни ҳайратга, кўнглимизни ёрқин ҳис-туйғуларга тўлдирган. Минг-минг йиллардан бери Наврўз ана шундай гўзал манзараларо, қутлуғ садолар билан бошланади. Бундай кезларда ҳазрат Бобурнинг боқий сатрлари хотирамизга келади:

Юзу Наврўзию васли ийдни
Бобур ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас, бўлса
юз Наврўз байрамлар!

Қадаминг қутлуғ бўлсин, юртга тинчлик, дастурхонларга тўкинлик ва ҳар биримизга соғу-омонлик келтиргил, гўзал Наврўз!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист





«ШАРҚОНА АЙЁМ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

АЙЛАНМА КРОССВОРД: Жавобларни шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига ёзинг. **1.** Наврўз элчиси, парранда. **2.** Эрта баҳорда очиладиган бинафшаранг гул. **3.** Баҳор фаслининг яна бир номи. **4.** Тинчлик рамзи ҳисобланувчи қуш. **5.** Бахт, бунёдкорлик асоси. **6.** Куйидаги мисраларни ёзиб қолдирган ўзбек мумтоз шоири: «Эй, ёр санго тангри таборак бўлсун, Наврўз ила тоза йил муборак бўлсун.» **7.** Дала меҳнаткашларининг оромгоҳи. **8.** Бир йиллик хушбўй ошкўк ўсимлик. **9.** Ромб шаклида ясалган варрак. **10.** Бараканинг асоси. **11.** Баъзи тури ошкўк сифатида ҳам ишлатиладиган манзарали ўсимлик. **12.** Ватани Хитой мамлакати ҳисобланувчи хушбўй манзарали ўсимлик. **13.** Ихтиёрий равишда жамоа бўлиб ижтимоий фойдали ишларни адо этиш. **14.** Наврўз сайилларида ўтказиладиган чавандозлик мусобақаси. **15.** Ўсимликнинг баргга айланадиган илк аъзоси. **16.** Йирик баргли, кўркам сув гули. **17.** Баҳор фаслида ҳаводан инган мусаффо томчи. **18.** Ўсимликнинг илк ҳосили. **19.** Болаларнинг баҳорги учқичи. **20.** Ток новдаларидан сидириб олиниб тайёрланадиган сочпопук. **21.** Хушбўй ошкўк экин. **22.** Гуллари пушти, сершув, ширин мева. **23.** Тол дарахтининг бир тури. **24.** Одатда жамоа бўлиб халфана асосида пиширилади наврўз таоми.

ЧАЙНВОРД. 1. Наврўз бошланадиган шамсия йили ҳисобидаги ой. **2.** Ёмғир суви билан ҳосил олинадиган деҳқончилик. **3.** Узум тупини кўтариб турувчи мослама. **4.** Баҳор ўт-ўлани. **5.** Гулламай ҳосил тугадиган серуруғ мева. **6.** Пояси сершув, нордон ейишли тоғ ўсимлиги. **7.** Пахта тупи онаси. **8.** Эртапишар ҳўл мева. **9.** Сершоя дарахт. **10.** Баҳор гули. **11.** Бошоқли дон тури. **12.** Гулларни чанглатувчи нектархўр ҳашарот. **13.** Сув йўли, кичик дарё. **14.** Катта варрак. **15.** Мақолдан: «Қимирлаган ... ошар.» **16.** Кўчатларни сийраклаштириб, қайта экиш. **17.** Бошоқли экин ҳосили. **18.** Дарахтнинг ёш тармоғи. **19.** Сув йўли. **20.** Баъзи тури истеъмол қилинадиган, споралардан кўпаядиган замбуруғ. **21.** Маърифатпарвар шоир Муқимий қаламига мансуб лирик шеър. **22.** Қизил тусли гул. **23.** Кўп етиштириладиган ҳўл мева. **24.** Халқ оғзаки ижодига хос, сўз усталарнинг ҳозиржавоблик баҳси. **25.** Сербарг, хушбўй кўп йиллик ўсимлик. **26.** Қанотлари қорамтир, сариқ тусли сайроқи қуш. **27.** Қўй зотларининг кўпайиш мавсуми. **28.** Сувсевар экин. **29.** Баҳорий таомга ишлатиладиган кўкат. **30.** Пайвандлаш ёки кўкартириб кўчат қилиш учун кесиб олинган кичик новда. **31.** Ҳаётда қарор топиб, аждодлардан ўтиб келаётган урф-одатлар мажмуи. **32.** Ҳамал ойининг белгиси.

МУАММОНОМА. Калит сўзлар: 1. Манзарали ўсимлик — **15, 18, 3.**

2. Одатда Наврўз дастурхонига қўйилган етти хил мевали дарахт шохларидан бири — **7, 11, 8, 6.**

3. Улоқ чопиш мусобақалари иштирокчиси — **16, 2, 17, 2, 19, 9, 5, 4.**

4. Чирой, гўзаллик — **10, 12, 1, 10.**

5. Ноз-неъматлар етиштириладиган, далалар маскани — **13, 6, 14, 3, 5, 13.**

6. Пардоз бўёғи олинадиган қизғиш гул — **20, 6, 19, 2.**

Энди калит сўзлар жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан «Келди наврўз — навбаҳор» халқ термасидан тўрт мисра билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

Реклама ва эълонлар

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, НКМК ДК Зарафшон қурилиш бошқармасининг 14.03.2013 йилдаги 20-02/1064 -сонли хатига асосан Навоий шаҳар Навоий кўчаси 27-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. «ЭО-2621» русумли, 1986 й. и/ч, д/р 84-24 ЧЗ бўлган техник носоз экскватори. Бошланғич баҳоси — 6 828 630 сўм.

2. «Т-16» русумли, 1990 й. и/ч, д/р 35-71 ЧЗ бўлган техник носоз трактор. Бошланғич баҳоси — 2 076 550 сўм.

3. «РАФ-2203» русумли, 1993 й. и/ч, д/р 85 850 FAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 028 500 сўм.

4. «ЗИЛ-441510» русумли, 1992 й. и/ч, д/р 85 849 FAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 547 300 сўм.

5. «Урал ММЗ-810330» русумли, 1986 й. и/ч, д/р 21 А 045 бўлган техник носоз мотоцикл. Бошланғич баҳоси — 527 000 сўм.

6. «ГАЗ-53» русумли, 1988 й. и/ч, д/р 85 346 EAA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 863 000 сўм.

7. «Т-28х» русумли, 1992 й. и/ч, д/р 25-67 ЧЗ бўлган техник носоз трактор. Бошланғич баҳоси — 3 277 000 сўм.

Савдо 2013 йил 23 апрел куни соат 10:00да бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 19 апрел куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 23 апрел куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 17 май куни соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2013 йил 15 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 5 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий ф-лидаги: 20208000704943164001, МФО: 00205, ИНН: 302132768 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. Гувоҳнома № 1605. www.rmm.uz

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19. 30
Topshirildi - 19. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 311 21711 nusxada bosildi 1 2 3 4 5